

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Магистратура бўлими

“Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси

“Ҳимояга тавсия этилди”

Кафедра мудири, проф.

Ж.Р.Зайналов

Баённома №___ 2017 йил ___ май

5A230601 – “Давлат молиясини бошқариш” мутахассислиги

МДМ-115 гуруҳ магистранти

Хабибуллаев Азизбек Худойназар ўғлининг

“Давлат бюджети даромадларини

бошқаришнинг асосий йўналишлари

(Самарқанд вилоят ҳокимлиги молия бошқармаси

маълумотлари бўйича)” мавзусидаги

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар: доц. Пулатов Д.Х. – ЎзР

Молия Вазирлиги

Ғазначилиги бўлим бошлиғи

Илмий маслаҳатчи: проф. Ибрагимов Н.А. –

“Remedy Group” МЧЖ ҚҚ

Бош директори

САМАРҚАНД – 2017

Мундарижа

Кириш.....	4
 I-Боб. Давлат бюджетини самарали бошқаришда уни даромадларини прогнозлаштиришнинг истиқболи	
1.1. Давлат бюджетини самарали бошқариш зарурлиги ва аҳамияти.....	11
1.2. Давлат бюджети даромадларининг бирламчи манбаларининг моҳияти.....	15
1.3. Давлат бюджетини солиқли даромадларини самарали бошқариш истиқболи.....	21
 II-Боб. Давлат бюджети даромадларини самарали ва барқарор ўсишини таъминловчи омиллар	
2.1. Давлат бюджети даромадларини таснифланишнинг амалдаги ҳолати.....	28
2.2. Давлат бюджетини бошқа даромадларини ташкил этиш хусусиятлари ва уларга таъсир этувчи омиллар.....	32
2.3. Бюджет даромадларини барқарорлигини таъминлаш омиллари ва хориж тажрибаси.....	34
 III-Боб. Давлат бюджети даромадларини самарали бошқаришни таъминлашнинг йўналишлари ва истиқболи	
3.1. Давлат бюджети даромадларини самарали ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини таснифлаш мезонлари.....	39
3.2. Давлат бюджети даромадларини омилли ўсишини шаффофлигини таъминлаш йўллари.....	44
3.3. Давлат бюджети даромадларини самарали бошқаришни ривожлантириш имкониятлари ва истиқболлари.....	48

**IV-Боб. Самарқанд вилоят ҳокимлиги молия бошқармасида ҳаёт
фаолияти хавфсизлигини ҳолати ва самарали ташкил этиш
йўллари**

4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти.....	55
4.2. Самарқанд вилоят ҳокимлиги молия бошқармаси ходимлари меҳнат ва ёнғин хавфсизлиги доирасидаги чора-тадбирлари.....	57
4.3. Самарқанд вилоят ҳокимлиги молия бошқармасида фавқулотда ҳолатлар доирасидаги чора-тадбирлари.....	64
4.4. Самарқанд вилоят ҳокимлиги молия бошқармасида фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммалаштириш йўллари.....	69
Хулоса.....	73
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	75

Кириш

Давлатнинг умумижтимоий ва умумиқтисодий харажатларининг ўсиб бориши, пировардида давлат бюджетининг асосий молиявий категория сифатида жамият ҳаётидаги ролининг ошиб боришига олиб келади. Бу эса, биринчи навбатда, давлат бюджетининг даромадларини шакллантириш амалиётини такомиллаштиришни тақозо қилади.

Ривожланган хорижий давлатларда, хусусан, Япония, Германия, Буюк Британия, Франция, Италия ва Канадада солиқлар Давлат бюджети даромадларининг 90 фоизгача бўлган қисмини ташкил этади. Ўзбекистон Республикасида эса бу кўрсаткич 90 фоиздан ортиқ бўлган миқдорни ташкил этади.

Биринчи Президентимиз И.А Каримов солиқларнинг Давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги аҳамиятига алоҳида аҳамият қаратган ҳолда, шундай деганлар: “Солиқлар хазинани тўлдириш сиёсатининг асосий унсури бўлиб, давлат бюджетининг даромад қисми энг муҳим умумдавлат, халқ хўжалиги вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган миқдорда шаклланишини таъминлаш лозим”¹.

Айни вақтда, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини эркинлаштиришнинг ҳозирги шароитида Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштиришда сезиларли муаммолар мавжуд.

Бозор муносабатлари ривожланиши билан давлатнинг иқтисодиётга аралашуви кўлами торайиб боради. Бу эса, давлат бюджетининг иқтисодий мазмундаги харажатлари миқдорини кескин камайишига олиб келади.

Давлат бюджетининг асосий молиявий категория сифатида жамият ҳаётидаги ролининг ошиб боришига биринчи навбатда унинг даромад базасини қай тарзда ва даражада шаклланганлигига боғлиқ. Шу жиҳатдан

¹ Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 26 б.

олганда давлат бюджетининг даромадларини шакллантириш масаласини илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш иқтисодий адабиётдаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Давлат бюджетининг даромадларини шакллантириш масалалари классик иқтисодчилар – А.Смит, Д.Рикардонинг тадқиқотларида ўз аксини топган. Кейинчалик бу масала Кейнс Ж., Кенэ Ф., Милль Ж., Сперанский М., Тюрго А., Фишер И., Фишер С каби таниқли иқтисодчи-олимларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган².

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мамлакатимиз Давлат бюджети даромадлари ўз миқёси кўламининг катталиги билан ажралиб туради. Ушбу даромадларнинг умумий ҳажми (давлат мақсадли фондлари маблағларисиз) 65,9 трлн. сўмдан зиёдни ташкил этиб, унинг аксарият қисми қарийб 86,5%га яқини солиқли тушумлардан ташкил топмоқда. Мақсадларга қаратилган катта кўламдаги мутаносиб даромадлар кейинчалик ҳам асосан солиқлар ҳисобига шаклланишини тақозо этмоқда. Бундай шароитда, бир томондан – солиқ тўловчилар ва иккинчи томондан – Давлат бюджети манфаатларига оқилона мос келадиган тарзда солиқларни ундириш механизмини такомиллаштириш масалалари алоҳида долзарблик касб этади.

Биринчи Президентимиз И.А. Каримов алоҳида қайд этишларича, “Иқтисодиётни эркинлаштиришда, биринчи навбатда, ...солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш масалалари муҳим ўрин

² Смит А. Табиат ва халқларнинг бойликларини сабаблари.-М.:Ось-89, 1997. – 255 б.; Рикардо Д. Сочинения Т. I. Начало политической экономики и налогового обложения. Пер. с англ. - М.: Госполитиздат, 1992. – с.360. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. –М.: Прогресс-1978. – 365 с.; Кенэ Ф. Избранные экономические произведения. — М.: Соцэкгиз, 1960. – 120 с.; Милль Дж.С. Основы политической экономии с некоторыми приложениями к социальной философии / Пер. с англ., биограф. очерк М.И.Туган- Барановского - М.: Эксмо, 2007. - 1040 с.; Сперанский М. О Коренных законах государства - М.: Эксмо, 2015. – 360 с.; Тюрго А. Размышления о создании и распределении богатств: Ценности и деньги / Александр Н. Миклашевский (пер.и доп.). – Юрьев, 1905. – 80с.; Фишер И. Покупательная сила денег - М.: 1993. – 440 с.; Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. Пер. с англ. – М.: Дело, 1993. – с. 525-526.

тутади”³. Ушбу билдирилган фикр солиқларни ундириш механизми ва уни такомиллаштиришнинг йўлларига бевосита дахлдор ҳисобланади.

Ушбу муаммога солиқларнинг ундирилувчанлик даражаси, солиққа оид жиноятлар, солиқларни тўлашдан бош тортиш, солиқлар бўйича белгиланган режа кўрсаткичлари бажарилиши, уларнинг ўз вақтида ва белгиланган суммаларда бюджетга тушиб туриши нуқтаи-назаридан қаралса, солиқларни ундириш механизми “Жаҳон тажрибасини ва солиққа тортишнинг амалда синовдан ўтган ёндошув ва тамойилларини ўрганиш асосида”⁴ ...” такомиллаштирилиши зарурлиги янада яққол кўринади.

Бюджет даромадларини ташкил этиш ва бошқаришдаги жиддий нуқсонларни мавжудлиги ва ушбу тизимни тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатди, бу эса, ушбу танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Давлат бюджети даромадларини ташкил этишнинг назарий ва амалий жиҳатлари иқтисодчи олимлар О.Қ.Абдурахмонов, М.И. Альмардонов, А.В.Ваҳобов, Э.Ф. Гадоев, А.С. Жўраев, Ж.Р. Зайналов, В.Г. Князев, Т.С. Маликов, Н.В. Миляков, О.О. Олимжонов, В.Г.Пансков, Г.Б.Поляк, М.В.Романовский, Д.Г.Черник, Т.Ф.Юткина, Қ.А.Яхёев, Н.Р.Қўзиева ва Н.Х.Ҳайдаровлар⁵нинг илмий ишларида ўрганилган.

³ Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 27 б.

⁴ Ўша ерда, 29 б.

⁵ Абдурахмонов О., Кушакаев Б. Солиқ ислохотлари: изчиллик ва тадрижийлик. -Т.: Akademiya, 2005. – 180 б.; Алимардонов М.И. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга солиқ тизимининг таъсири. – Т.: 2003. – 233 б.; Ваҳобов А.В. ва бошқ. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги: ўқув қўлланма.-Т.: Иқтисод-молия, 2005.-480 б; Гадоев Э., Кузиева Н. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш. – Т.: Ўзбекистон, 2012.; Ваҳобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Т.: Шарқ. 2009. – 448 б.; Зайналов Ж.Р. Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланма. – Самарқанд: СамКИ, 2002. - 365б.; Маликов Т.С. Солиқ юкининг оғирлигини кескин камайитириш керакми? – Т.: 2006. – 32 б.; Миляков Н.В. Налоги и налогообложение. Учебник. 7-изд., перераб. и доп. – М.: Инфра, 2008. - с. 33.; Олимжонов О. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида солиқ сиёсати. – Т.: Ҳаёт ва иқтисод, 1992. – 84 с.; Пансков В., Князев В. Налоги и налогообложение; Учебник для вузов. – М.: МЦФЭР, 2003 – 336 с.; Поляк Г.Б. Финансы. Учебник. – М.: ЮНИТИ – ДАНА, 2009. – 703 с.; Романовский М.В. Финансы и кредит: Учебник / М. В. Романовский, Н. Н. Назаров, М. И. Попова и др.; Под ред. М. В. Романовского, Г. Н. Белоглазовой. – М.: Юрайтиздат, 2006. – 360 с.; Черник Д. Налоги и налогообложение. Учебное пособие. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2010. –367 с.; Юткина Т. Налоги и налогообложение. Учебник. 2-е изд, перераб. и доп.- М.: ИНФРА-М, 2002. - 576 с.; Яхёев

Мамлакатимизда Давлат бюджети даромадларини тўлиқлигини таъминлашга тегишли бўлган масалаларнинг баъзи жиҳатлари И.Э.Жалолов, М.М.Камилов, Ш.А.Тошматов ва Б.Қ.Қодировлар томонидан тадқиқ этилган. Хусусан, И.Э.Жалоловнинг илмий тадқиқотчи билвосита солиққа тортишни такомиллаштириш масалаларига⁶ бағишланган бўлса, М.М.Камиловнинг илмий изланишлари қўшилган қиймат солиғини ундириш механизми ва уни такомиллаштириш йўллари⁷ қаратилган. Ш.А. Тошматов ушбу масалани истеъмол солиқларини ҳисоблаш механизмидаги муаммолар⁸ йўналишида тадқиқ этган, Б.Қ.Қодиров тадқиқотлари эса, бевосита ва билвосита солиқлар ўртасидаги нисбат муносабатлари ва солиқ тизимини такомиллаштириш масалаларига⁹ бағишланган. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мустақиллик йилларида солиқларни бюджет даромадига ундиришни бошқариш механизми мустақил, алоҳида комплекс тарзда тадқиқ этилмаган ва уларнинг ҳеч бирида “солиқларни ундириш механизми ва уни такомиллаштириш йўллари” нуқтаи-назаридан кун тартибига қўйилмаган. Ушбу ҳолат, мазкур йўналишда мустақил, алоҳида илмий-тадқиқот олиб бориш заруриятини юзага чиқариб, танланган магистрлик диссертация мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси СамИСИ “Молия ва суғурта хизматлари” кафедрасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари доирасида бажарилган.

Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. – Т.: Фан ва технологиялар, 2003; Ҳайдаров Н.Х. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари. и.ф.д.ил.дар.ол.ёз. дис.автореферати.- Т.: 2003.- 34-б;

⁶ Жалолов И.Э. Совершенствование косвенного налогообложения. Автореферат дисс. на соискание учёной степени к.э.н. – Тошкент: БФА, 2001. – 21 б.

⁷ Камилов М.М. Қўшилган қиймат солиғини ундириш механизми ва уни такомиллаштириш йўллари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун дисс.автореферати. – Тошкент: БМА, 2007. – 22 б.

⁸ Тошматов Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли. Монография. – Тошкент: Фан ва технология.- 2008.- 127-132 б.

⁹ Қодиров Б.Қ. Бевосита ва билвосита солиқлар ўртасидаги нисбат муносабатлари ва солиқ тизимини такомиллаштириш масалалари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун дисс.автореферати. – Тошкент: БМА, 2004. – 22 б.

Тадқиқот мақсади. Давлат бюджети даромадлари бошқариш механизмини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари сифатида қуйидагилар белгилаб олинди:

- бюджет даромадларининг иқтисодий моҳиятидан келиб чиқиб уни бошқариш бир тизимга келтириш;
- Давлат бюджети даромадларини манбаи бюджет даромадларини шакллантиришдаги ўрни ва ривожланиш тенденцияларини аниқлаш;
- Давлат бюджетини солиқли даромадларини аниқлаш механизми ва унинг ўзига хос бўлган алоҳида олинган кўринишларини асослаш;
- амалиётда давлат бюджети даромадларини таснифлаш механизмларидаги муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини хусусиятларини таъсир этувчи омилларни аниқлаш;
- бюджет даромадларини барқарорлигини таъминлашга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти. Бюджет даромадларини хўжалик юритувчи субъектлар, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг қуйи органлари ҳисобланади.

Тадқиқот предмети. Бюджет даромадларини ташкил этиш ва бошқариш жараёнида солиқ тўловчилар ва бюджет ўртасида вужудга келадиган молиявий муносабатлар мажмуидан иборат.

Тадқиқот методлари гуруҳлаш, кузатиш, статистик ва иқтисодий таҳлил, мантиқий таснифлаш ва тизимли ёндошувларни ўз ичига олади.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бюджет даромадларини бошқаришнинг асосланганлиги ва улар иқтисодий моҳиятининг очиб берилганлиги;

- бюджет даромадларини шакллантиришда солиқларнинг тутган ўрнининг асосланганлиги ва уларнинг ривожланиш тенденциялари аниқланганлиги;

- бюджет даромадларини ташкил этиш ва бошқариш механизмини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилганлиги ва амалиётда қўллаш бўйича амалий тавсияларнинг берилганлигидан иборат.

Илмий янгилиги ҳозирги шароитда бюджет даромадларини бошқариш механизмини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади:

- бюджет даромадини иқтисодий моҳиятини ифодаловчи ҳолатлар мазмуни ёритилди;

- бюджет даромадлари вазифалари ва уларнинг ўрни аниқлаштирилди;

- бюджет даромадларини самарали бошқаришни таъминлашнинг асосий йўналишлари ва истиқболини таъминлаш тенденцияларига аниқликлар киритилди ва уни ошириш истиқболи ёритилди;

- бюджет даромадларини ташкил этиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти магистрлик диссертацияда олинган илмий хулоса ва амалий тавсиялардан республикамізда бюджет даромадларини бошқариш механизмини такомиллаштиришнинг илмий концепциясини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Тадқиқот материалларидан олий ўқув юртларида “Молия”, “Давлат бюджети”, “Солиқлар ва солиққа тортиш” фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Илмий ишнинг амалий аҳамияти бюджет даромадларини макроиқтисодий жараёнларини ривожлантиришдаги аҳамиятини тўғри аниқлаш, бюджет даромадларига солиқларнинг белгиланган суммаларида ва

ўз вақтида тўланишини ташкил этишни такомиллаштириш орқали самарали бошқариш билан белгиланади.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқотлар жараёнида олинган ишланма ва амалий тавсиялар Самарқанд вилояти Булунғур тумани ҳокимлиги молия бўлими (2017 йил 26 майдаги далолатномаси) томонидан маҳаллий бюджет даромадларини тўғри ташкил этишда эътиборга олиниши қайд қилинган.

Тадқиқот иши материалларидан СамИСИ “Солиқлар ва солиққа тортиш”, “Давлат бюджети”, “Бюджет-солиқ сиёсати” фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги эътироф этилди.

Ишнинг синовдан ўтиши. Магистрлик диссертациянинг асосий ғоя ва хулосалари “Иқтисодийetni модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш истиқболлари” (2017 йил 24-25 феврал), “Хизмат кўрсатиш соҳаси инновацион ривожланишининг муаммолари” (2017 йил 25-27 май), “Хизмат кўрсатиш соҳаси: ривожлантириш тенденцияси ва истиқболлари” (2016 йил 19-20 феврал) мавзусида халқаро илмий-амалий анжуманида баён этилган ва маъқулланган.

Магистрлик диссертация иши СамИСИ “Молия ва суғурта хизматлари” кафедрасининг 2017 йил 26 майдаги 10-сонли мажлисида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Магистрлик диссертация иши натижалари 3 та мақола кўринишида нашр қилинган бўлиб, уларнинг умумий ҳажми 0,6 босма табоқдан иборат. Шунингдек, ушбу мавзу йўналиши бўйича 2 та услубий қўлланма чоп этилди.

Магистрлик диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот иши таркибан кириш, тўрт боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Магистрлик диссертация матни 80 бетни ташкил этиб, унда 3 та жадвал, 1 та диаграмма ва 3 та чизма ўрин олган.

I-Боб. Давлат бюджетини самарали бошқаришда уни даромадларини прогнозлаштиришнинг истиқболи

1.1. Давлат бюджетини самарали бошқариш зарурлиги ва аҳамияти

Давлат бюджети давлатнинг йирик марказлашган пул фонди бўлиб, у давлатнинг функцияларини бажаришга асосланган иқтисодий категория хисобланади.

Бюджет «Ғазна» деган маънони билдириб, бу давлат ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари вазифалари ва функцияларини молиявий таъминлаш учун мўлжалланган пул маблағлари жамғармаларини тўплаш ва сарфлаш шаклидир.

Давлат бюджети бу давлатнинг ўз функция ва вазифаларини бажариш мақсадида марказлаштирилган пул фондларини шакллантириш ва ишлатиш билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлар бўйича тузилган бир йиллик молиявий режадир.

Иқтисодий категория сифатида бюджет турли бюджет фондларини шакллантириш, тақсимлаш, фойдаланиш пайтида юзага келувчи ва рўёбга чиқувчи иқтисодий муносабатлардир.

Моддий маънода бюджет тегишли даражадаги давлат ва маҳаллий ҳокимият идоралари фаолиятини таъминловчи, улар олдида қўйилган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий вазифаларни бажариш имконини берувчи марказлаштирилган пул маблағлари фондидан иборатдир. Давлат томонидан режалаштирилган тадбирларни бюджет ҳисобидан молиявий таъминлаш деганда бюджетнинг айнан ана шу моддий маъноси кўзда тутилади.


Ҳуқуқий категория сифатида бюджет тегишли ҳудуд доирасида марказлаштирилган пул маблағларини шакллантириш, тақсимлаш, фойдаланишга қаратилган ва тегишли давлат ёки маҳаллий ҳокимият идораси томонидан тасдиқланган асосий молиявий режа, юридик меъёрлардан иборатдир.

Бюджет асосий молиявий режа сифатида қуйидаги белгилар билан тавсифланади.

– бюджет универсал молиявий режа сифатида тегишли ҳудуднинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг барча соҳалари ва йўналишларини тўла камраб олади;

– бюджет бошқа турдаги молиявий режаларга нисбатан мувофиқлаштирувчи вазифани бажаради.

Юқорида қайд этилган давлат бюджетининг моҳиятига хос бўлган асосий жиҳатлардан ташқари унинг миллий даромадни қайта тақсимлаш қуроли эканлиги борасида ҳам иқтисодий адабиётларда мунозарали фикр ва мулоҳазалар мавжуд.



1-чизма. Давлат бюджетининг аҳамияти

XX асрнинг иккинчи ярмида ривожланган индустриал давлатларда миллий даромаднинг йирик қисмини давлат томонидан ўзлаштириш юз берди. Мазкур давлатларда молия тизимининг барча бўғинлари орқали миллий

даромаднинг 60 фоизгача бўлган қисми қайта тақсимлана бошлади. Миллий даромаднинг 40 фоизгача бўлган қисми давлат бюджети орқали тақсимланар эди¹⁰.

Давлат бюджетининг миллий даромадни қайта тақсимлашдаги ролининг ошиши, асосан, давлатнинг умумижтимоий харажатларининг хажмини ошиши билан изоҳланади. Хусусан, Ғарбий Европа мамлакатлари давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий харажатларнинг салмоғи XX асрнинг 90-йилларига келиб 35 фоизга етди. Ҳолбуки, XX асрнинг 50-йилларининг ўрталарида бу кўрсаткич 18 фоизни ташкил қилар эди¹¹.

Давлат бюджетининг умумижтимоий харажатларидан кейин ўсиш суръатига кўра иккинчи ўринни иқтисодий харажатлар эгаллайди.

Ривожланган хорижий давлатларда, айниқса, 1929-1933 йилларда бўлиб ўтган жаҳон иқтисодий инқирозидан кейин иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш жараёни кучайди, унинг кўлами кенгайди. Мазкур инқироз бошқа ривожланган давлатларга қараганда АҚШ иқтисодиётига кўпроқ зиён келтирди. Шунинг учун АҚШда тиклаш-молия корпорацияси, саноатни қайта тиклаш бўйича маъмурият каби давлат манбалари ҳисобидан ташкил этилган ташкилотлар пайдо бўлди. Ушбу ташкил этилган ташкилотлар банкрот бўлиш арафасида турган корхоналар, фирмалар ва банкларга субсидиялар ва кредитлар берди. Берилган субсидиялар ва кредитлар мазкур корхоналарни оммавий банкротликдан сақлаб қолди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин давлатнинг иқтисодиётга аралашуви кучайди. Бунинг асосий сабаби шундаки, Ғарб давлатларнинг раҳбар доиралари англиялик таниқли иқтисодчи олим Ж.М.Кейнснинг тавсияларини амалий дастур сифатида қабул қилдилар. Чунки, Ж.М.Кейнс давлат молиясини иқтисодиётни ва ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг муҳим курули, деб ҳисоблар эди. Профессор Н.В.Колчинанинг

¹⁰ Финансы. Уч. для вузов. Под редакцией Л.А. Драбозиной. – М.: ЮНИТИ, 2003. – с. 111

¹¹ Ўша ерда

тадқиқотларига кўра, ҳозирги вақтда ривожланган хорижий мамлакатларда давлатнинг иқтисодиётга аралашуви билан боғлиқ харажатлари давлат бюджети жами харажатларининг 20-25 фоизини ташкил қилмоқда¹².

Давлат бюджети иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг ривожланишига давлат томонидан таъсир ўтказишнинг муҳим воситаси сифатида доимий равишда қўлланилади, унинг жамият ҳаётига таъсирининг шакл ва усуллари ўзгариб боради.

Шуниси характерлики, Ўзбекистонда бевосита давлат бюджетининг миллий даромадни қайта тақсимлашдаги ролининг юқори эканлиги ҳамда бу ҳолатнинг асосий сабаблари умумижтимоий харажатларнинг ва давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш харажатларини ўсишидан иборат эканлиги кузатилмоқда.

Республикамиз давлат бюджетининг харажатлари таркибида ижтимоий харажатлар салмоғининг ўсиб бориши мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш билан изоҳланади.

Бунда асосий эътибор жамият аъзоларининг муҳтож табақаларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, халқ маорифи, тиббий хизмат каби ижтимоий соҳаларни ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштиришга қаратилади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан илгари сурилган бозор муносабатларига ўтишнинг беш асосий тамойилларидан бири давлатнинг бош ислохотчи эканлиги тамойилидир. Ушбу тамойилга кўра, давлат мамлакатда бозор иқтисодиётини шакллантириш учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни юзага келтиради, мамлакатга хорижий инвестицияларни жалб қилиш тадбирларини ишлаб чиқади ва капитал сарфларнинг тармоқ ва ҳудудий тузилишини изга солиб туради.

Давлат бюджети даромадларининг бош моддий манбаи миллий даромад ҳисобланади. Миллий даромадни давлат томонидан ўзлаштириш турли

¹² Ўша ерда

усуллар ёрдамида амалга оширилади. Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида миллий даромадни давлат томонидан ўзлаштириш қуйидаги тўртта асосий гуруҳга бўлган ҳолда амалга оширилмоқда:

- 1) Солиқлар ва йиғимлар;
- 2) Давлат кредити;
- 3) Банк тизимининг кредитлари;
- 4) Бошқа даромадлар.

Шуниси характерлики, давлат бюджетининг даромадларини шакллантиришда ва миллий даромадни давлат фойдасига қайта тақсимлашда биринчи усул устувор аҳамиятга эга. Бунинг боиси шундаки, солиқлар моддий ва ижтимоий мазмунга эга. Улар такрор ишлаб чиқариш жараёнининг муҳим таркибий қисми ва ишлаб чиқариш муносабатларининг махсус шакли сифатида миллий даромадни қайта тақсимлашда иштирок этади. Бунинг устига, давлат солиқлардан ўз даромадларини шакллантиришнинг асосий усули сифатида ташкил топган вақтидан бошлаб фойдаланиб келмоқда.

1.2. Давлат бюджети даромадларининг бирламчи манбаларининг моҳияти

Давлат бюджетини потенциалини мустаҳкамлаш мақсадида қонуний тарзда, нафақат, маҳаллий солиқ ва тўловларнинг таркибини аниқ белгилаб қўйиш, балки республика аҳамиятидаги давлат солиқларининг маҳаллий бюджетлар даромадларидаги улушлари динамикасини таҳлил қилиш ва янада такомиллаштириш ҳам зарурдир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳудудий сиёсат концепциясига мувофиқ бюджетлар ўртасида маблағларнинг тақсимлашнинг узоқ муддатли ягона меъёрларга асосланиши лозимлиги таъкидланган. Ягона ёндошув барча ҳудудлар учун ажратмаларнинг ягона меъёрини ўрнатишда эмас, балки нормативларни ҳисоблашнинг умумий тамойиллари ва услубиёти амал қилишини таъминлашдадирки, бу ҳолат маҳаллий бюджетлар (ҳудудлар)

молиявий ресурслар потенциалини ҳисоблашда уларнинг барча хусуиятларини эътиборга олишни зарур қилиб қўяди. Алоҳида вилоятларга солиқ енгилликларини бериш молия бюджет тизимининг ягоналигини таъминлашга ёрдам бермайди.

Ҳозир амалиётда давлат бюджетининг даромадлари классификация қилиниш тартибини 2-чизмада акс эттирдик.



2-чизма. Давлат бюджетининг даромадлари классификацияси

Шунинг учун, бизнингча, барча вилоятлар учун умумий бўлган мезонни ишлаб чиқиш зарурки, унга кўра табақалашган меъёрларнинг ягона

услугиёти асосида бюджет тизими ичида бюджет маблағларни қайта тақсимлаш жараёни амалга оширилади.

Бундай мезон сифатида ҳудудни шакллантирилган қўшимча қиймат суммасини ёки ҳудуд ялпи ички маҳсулоти суммасини мазкур ҳудудда яшовчи аҳоли сонига тақсимлаш орқали аниқланадиган кўрсаткичдан фойдаланиш ва уни республика бўйича ўртача даража билан таққослаш мақсадга мувофиқ. Бунда шуни эътибордан четда қолдирмаслик керакки, бундай қайта тақсимлаш жараёни кўрсаткичи юқори бўлган ҳудудларни камситмаслиги ва уларда бошқаларга нисбатан маълум рағбатлар тизими бўлишини кафолатлаши лозим.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг 2012-2016 йиллардаги Давлат бюджети параметрлари¹³, млрд. сўмда

Асосий бюджет параметрлари	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	Бюджет даромадларида салмоғи, %да
Давлат бюджети даромадлари	20614,1	25104,9	30160,8	36184,9	40505,8	100
Шу жумладан: Бевосита солиқлар	5196,4	6583,1	7790,4	8554,3	9338,5	23,1
Билвосита солиқлар	11187,8	13039,4	15618,2	19115,8	22298,1	55,0
Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи	2746,4	3755,4	4521,4	5741,8	5806,5	14,3
Қўшимча фойда солиғи	250,0	294,5	388,4	548,2	390,2	1,0
Бошқа даромадлар	1233,5	1432,4	1842,4	2224,8	2672,5	6,6
Бюджет харажатлари	21571,1	26312,4	31582,3	37967,7	42721,3	Бюджет дефицити ЯИМга нисбатан 1,0 фоиз

¹³ www.mineconom.uz – Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлигининг расмий веб сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

1-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, 2016 йилги давлат бюджети даромадлари таркибида бевосита солиқларнинг улуши 23,1 %, билвосита солиқларнинг улуши 55,0 %, ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғининг улуши 14,3 %, қўшимча фойда солиғининг улуши 1,0 % ва бошқа даромадларнинг улуши 6,6 %га тенг. Агар эътибор берсангиз, билвосита солиқлар энг катта улушга тенг, негаки кейинги пайтларда ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи субъектларни рағбатлантириб бориш мақсадида билвосита солиқлар улуши ортиб бормокда.

Ўзбекистон Республикасининг 2000-2015 йиллардаги ЯИМга нисбатан ва солиқ юки кўрсаткичларини 2-жадвалда акс эттирдик.

Маҳаллий бюджетлар ижроси самарадорлигини ошириш мақсадида бюджет-солиқ мутаносиблигининг ислоҳоти қуйидаги муаммоларни ҳал этишга қаратилмоғи зарур:

- бюджет масалаларини ҳал қилишнинг номарказлашуви (эркинлаштирилиши)га;
- бюджет тизимининг ўрни, аҳамияти ва қурилиши тамойиллари аҳамиятининг янада ўсишига;
- ҳудудий муаммоларни ҳал этиш ва давлат манфаатларининг мувофиқлигини таъминловчи бюджет механизмини шакллантиришга;
- бюджетлараро муносабатларни такомиллаштиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини ишлаб чиқиш ва янада ривожлантиришга ва ҳ.к.

Ҳудудлар молиясини ривожлантиришда уларнинг солиқли даромадлари миқдори ўсиб бориш услубиётига таянган ҳолда иқтисодий фаол субъектларни молиявий рағбатлантириш, хусусий манфаатдорликнинг юқори ҳимояси ва кенг рағбатини юзага чиқариш асосида янги тадбиркорлик ва ишлаб чиқариш турлари ҳамда сонини оширишга эришиш энг муҳим тадбир ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2000-2015 йиллардаги ЯИМга нисбатан ва солиқ юки кўрсаткичлари¹⁴

Кўрсаткичлар	2000 йил	2001 йил	2002 йил	2003 йил	2004 йил	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил
Бевосита солиқлар	7,8	7,7	7,3	6,8	6,4	6,5	6,3	5,8	6,3	6,1	5,8	5,8	5,5	5,0	4,7	4,8
Билвосита солиқлар	16	13,5	13,8	14	12,6	10,5	10,1	10,8	11,1	11,5	11,1	10,6	10,6	10,5	10,6	10,5
Ресурс солиқлари мол-мулк солиғи	4,7	4,8	4,1	3,4	3,5	5,7	5,7	3,7	3,6	3,7	3,4	3,4	3,4	3,0	2,7	2,6
Бошқа даромадлар	1,9	2,4	2,2	1,1	0,9	1,1	1,9	2,4	2,7	1,7	1,8	2,1	2,1	2,0	2,0	2,0
ЯИМга нисбатан бюджет даромадлари	30,4	28,4	27,4	25,3	23,4	23,8	24,0	22,7	23,7	23,0	22,1	21,9	21,6	20,5	20,0	19,9
Солиқ юки	28,5	26,0	25,2	24,2	22,5	22,7	22,1	20,3	21	21,3	20,3	19,8	19,5	18,5	18	17,9
ЯИМ (2000 йилги нархларда, млрд. сўм)	3255,6	3392,3	3528,0	3676,2	3948,2	4224,6	4541,5	4972,9	5420,5	5859,5	6357,6	6885,3	7449,9	8045,8	8697,6	9393,4

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси 2000-2015 йиллар маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди

Шунга кўра, солиқлар молиявий ресурслар орасида энг муҳим ўрин тутиб, давлат молияси, аниқроғи, давлат бюджети даромадларини маблағ билан таъминлаб туради.

Шу сабабдан, республикамизда амалга оширилаётган ислохотларнинг молиявий асосларини мустаҳкамлашда ҳудудлар солиқ имкониятларини оширишга эътибор янада кучаймоқдаки, бу эса бюджетга солиқ ва мажбурий тўловлар тушумларининг ишончлилиги, аниқ муддатлилиги, ўсиб бориши, янги хўжалик субъектлари фаолиятини кенг ва самарали ташкил этишни ривожлантириш орқали солиқ тўловларининг муттасил ортиб боришига эришиш йўллари излаш заруриятини келтириб чиқаради.

Мазкур мақсадг эришиш учун қуйидагиларга эътибор қаратиш муҳим ва зарур ҳисобланади:

1. Республикамиз иқтисодиётини ривожлантириш ва иқтисодий барқарорлигини таъминлашда унинг даромадини чуқур таҳлил қилиш ва бюджетга келиб тушиши кутилаётган тушумлар тўғри муддатли истиқболини белгилаш (тахминлаштириш) муҳим аҳамият касб этади.

2. Солиқ идоралари томонидан белгиланган солиқларнинг тўлиқ ва ўз вақтида давлат бюджетига келиб тушиши устидан муттасил ва самарали назорат олиб бориш механизмини такомиллаштириш.

3. Бюджет таркибида солиқли даромадлар мамлакат иқтисодий имкониятини ошириш учун сарфланиши билан бирга улар айнан мана шу ҳудудлардан олининини инобатга олсак, демак, ҳудуддаги корхоналар ва тадбиркорларни солиқ асосида тартибга солишда ҳар бир ҳудуднинг даромад имкониятларига қараб солиқ солиш механизмини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

4. Солиқларнинг кўплиги мамлакатдаги ижтимоий вазиятни барқарорлаштириш учун зарур ҳисобланади, лекин ишлаб чиқариш қувватига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, солиқ тушумларининг тўғри ва оптимал тахминлаштирилишини таъминлашда турли субъектларнинг эркин, тадбиркорлик фаолиятлари, моддий ва

номоддий бойликлардан фойдаланишининг молиявий рағбатлантирилишига эришиш мақсадга мувофиқдир.

1.3. Давлат бюджетини солиқли даромадларини самарали бошқариш истиқболи

Ҳозирги вақтда дунёнинг деярли барча мамлакатларида солиқлар давлат бюджети даромадларининг бирламчи манбаи ҳисобланади. «Ривожланган давлатларда, хусусан, Япония, Германия, Буюк Британия, Франция, Италия ва Канадада солиқлар давлат бюджети даромадларининг 90 фоизгача бўлган қисмини, АҚШда эса 70 фоиздан ортиқ қисмини ташкил этади»¹⁵.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларининг асосий 85-90 % и солиқ тушумларидан иборат.

Солиқлар давлат бюджети даромадларининг асосий бирламчи манбаи эканлиги уларнинг моҳиятини очиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар олиб боришган. Солиқларни бюджет даромадларининг манбаи сифатидаги моҳиятини назарий жиҳатдан асослаб берган биринчи олим В. Петти ҳисобланади. У ўзининг 1662 йилда ёзган «Солиқлар ва йиғимлар тўғрисида трактат» номли илмий асарида давлат учун зарур бўлган. Солиқлар миқдорини асослаб бериш учун давлат харажатларининг мажмуини аниқлашга ҳаракат қилди. У.Петтининг фикрига кўра давлат фойдасига солиқларни ундириш мутаносиб бўлиши лозим, чунки бу механиш турли миқдордаги даромадлар учун «бетараф» ҳисобланади «Солиқ қанчалик улкан бўлмасин, агар у барчага муносиб равишда белгиланган бўлса, у туфайли ҳеч ким бойлигининг қандайдир қисмини йўқотмайди. Бундан ташқари йиғилган солиқлар мамлакатдан чиқиб кетмас экан мамлакат бошқа мамлакатларга нисбатан бир хилда бой бўлиб қолаверади»¹⁶. Демак Петти солиқларни бюджет даромадларининг асосий манбаи сифатидаги ролини эътироф этган

¹⁵ Жўраев А. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. –Т.: Фан, 2004. 14 бет.

¹⁶ Петти У. Экономические и статистические работы. – М.: Соцингиз, 1940. -с.98

ҳолда, солиққа тортишни барча солиқ тўловчилар учун кенг бўлишини таъкидлаб ўтган.

XVIII асрда Францияда А.Тюрго ва Ф.Кэнэ раҳбарлигида физиократлар оқими пайдо бўлди. Физиократик назария қишлоқда хўжалик юритишнинг ўрта асрларга хос қоқоқ шаклларга барҳам бериш кичик ер учаска эгаларини қўшиш, фискал тизимни тартибга туширишга қаратилганлиги сабабли улар ягона солиққа, яъни ер рентасидан олинадиган ягона солиққа ўтишни таклиф қилдилар. Уларнинг таъкидлашича, рента қайта ишлаб чиқарилмайдиган табиат омилини ишлатишдан олинадиган даромад ҳисобланади, рентадан олинадиган солиқнинг таъсир доираси ҳар доим лендлордларни қамраб олади. Ўз навбатида жамиятдаги бошқа синфларнинг даромадлари ишлаб чиқаришнинг зарурий харажатларидан иборатдир. Шундай қилиб физиократларнинг ягона солиқни жории этиш хусусидаги таклифи солиқ йиғимлари билан боғлиқ харажатларни минималлаштиришга қаратилган. Ф.Кэнэ ер рентасидан олинадиган солиқ ставкасини «тахминан соф маҳсулотнинг учдан бир қисми»га тенг бўлишини таклиф қилган.

Классик иқтисодчилардан Адам Смит солиқларни фақат давлат бюджети даромадларининг манбаи сифатида тадқиқ қилди. Унинг фикрига кўра, солиқлар ҳукуматнинг социал харажатларини қошлашга етишиши зарур. Демак, А.Смит ўзининг бутун диққат – эътиборини солиқларни фискаллик функциясига қаратди.

А.Смит ўзининг «Табиат ва халқларнинг бойликларини сабаблари тўғрисида тадқиқотлар» номли илмий асарида биринчи марта солиққа тортишнинг умумий тамойилларини шакллантирди. Булар:

- 1) Хўжалик мустақиллиги тамойили;
- 2) Адолат тамойили;
- 3) Аниқлик тамойили;
- 4) Тежамкорлик тамойили;

Шунингдек, А.Смит солиқ юкини тақсимлаш назариясини қуйидагича шакллантирди: барча солиқлар пировард натижада, ер эгаларидан олинади, чунки улар даромаднинг қўзғалмас манбаини доимий эгалари ҳисобланишади. А.Смит физиократлардан фарқли равишда ягона солиқ назариясини қўллаб-қувватламади. Унинг фикрига кўра, «рентани солиққа тортиш билан бирга иш ҳақиға солинадиган солиқ ҳам мавжуд бўлиши лозим. Ушбу солиқ иш ҳақини тўланган солиқларнинг тўлиқ суммасига кўпайтиради, агар фақат меҳнатга бўлган талабни камайиши юз бермаса, албатта. Бундан ташқари, А.Смит истеъмол буюмларига ҳам солиқлар солишни таклиф қилган, бу солиқлар товарлар баҳосини оширади ва товарларнинг алоҳида турларига бўлган талабнинг ўзгарувчанлигига таъсир қилади»¹⁷.

Классик иқтисодчи Д.Рикардо, А.Смитнинг солиқлар тўғрисидаги назариясини сезиларли даражада тўлдирди. Ўзидан олдин ўтган таниқли иқтисодчилардан фарқли ўлароқ, Д.Рикардо солиққа тортишнинг янги тамойилини яратди. Ушбу тамойилга кўра, «барча солиқлар, агар у ишлаб чиқариш хажмини ошириш ёки ноишлаб чиқариш характеридаги истеъмолни камайитиришга асосланган ҳолда ўрнатилмаган бўлса, капитални жамғаришга тўсқинлик қилади»¹⁸.

Д.Рикардониинг фикрига кўра, ер рентасини солиққа тортиш жуда осон ва қулай, аммо рентадан олинадиган солиқнинг юки тўғридан-тўғри харидор зиммасига юклатилмаслиги лозим, чунки бу солиқ таклифи қатъий белгиланган омилга солинган солиқдир. Д.Рикардо фойдага солинадиган солиқни товарларнинг баҳоси ва таклифига таъсирини таҳлил қилган. У таҳлил натижаларига асосланган ҳолда қуйидаги хулосани шакллантиради: товарларни оборотининг тезлигини турли товар позициялари бўйича бир хил эмаслиги солиқ юкини уларнинг баҳосига бир хилда таъсир этмаслигига

¹⁷ Смит А. Исследования о природе причинах богатства народов. – М.: Соцэкгиз, 1962. – 408 с.

¹⁸ Рикардо Д. Начала политической экономики и податного обложения. – М., 1935. – 450 с.

олиб келади. Солиқларнинг тўғри хилдаги самараси туфайли пулларнинг миқдорининг кўпайиши баҳоларнинг таркибига ҳам, даражасига ҳам таъсир қилади.

XIX асрда С.Сисмонди солиқларнинг бюджет даромади сифатидаги моҳиятини тадқиқ қилиш асосида шундай хулосага келди: Солиқ тўловчи давлат хизматларини келгусида истеъмол қилиш мақсадида жорий неъматининг маълум қисмини ҳукумат фойдасига қурбон қилади. XIX асрнинг бошқа иқтисодчилари – А.Тьер ва Ж.Мак Куллоҳ солиқни давлатга берилган «суғурта тўлови» сифатида қарадилар.

Солиқларни давлат бюджети даромадларининг асосий манбаи сифатидаги моҳиятини очиб беришда Ж.М.Кейнснинг хизматлари жуда каттадир. Унинг фикрига кўра, бозор механизми такомиллашмаган механизмдир, тунинг учун иқтисодиёт ўз-ўзини бошқаришнинг самарали инструментларига эга эмасдир. Бундай шароитда фақат давлат фискал ва пул кредит сиёсати орқали иқтисодиётни тартибга солиш қобилиятига эгадир. Кейнс мазкур усуллар ичида солиқларни бозор иқтисодиётини тартибга солишдаги ролига алоҳида эътибор қаратди. Унинг фикрига кўра, юқори прогрессив солиқлар давлат бюджетини мувозанатлашга бевосита ижобий таъсир кўрсатади. Бунда давлатнинг адолатли ижтимоий сиёсати муҳим аҳамият касб этади, чунки аҳолининг кам таъминланган қатламлари солиқдан озод қилинади ва солиқ юки тўлиқ бадавлат солиқ тўловчилар зиммасига юкланади. Кейнснинг қатъий тарзда эътироф этишига кўра, «катта жамғармалар иқтисодий ўсишга ҳалақит беради. Чунки улар ишлаб чиқаришга йўналтирилмайди ва даромадларнинг пассив манбаи ҳисобланади. Шунинг учун ортиқча жамғармаларни солиқлар ёрдамида ундириб олиш зарур»¹⁹.

Кейнснинг солиқ назариясига оид қарашлари унинг издошларини назарий қарашларига ўз таъсирини кўрсатди. Америкалик иқтисодчи олимлар – Г.Тибольд, Ж.Печлер; англиялик иқтисодчи олимлар – Т.Коу, К.Кросланд;

¹⁹ Кейнс Дж.М. Общая теория занятности, процента и денег. –М.: Прогресс-1978. – 365 с.

француз иқтисодчи олимлари – М.Клюзо, Ж.Фурастьелар Ж.М.Кейнснинг издошлари бўлиб, юқори солиқ ставкаларини қўллаш, давлат бюджетида йирик маблағларни тўплаш, давлат томонидан йирик ижтимоий дастурларни амалга ошириш тарафдорлари бўлиб чиқдилар.

XX асрнинг 50-йилларида Ж.М.Кейнс таълимотига нисбатан муқобил таълимот сифатида монитаризм таълимоти юзага келди. Бу таълимотнинг асосчиси АҚШнинг Чикаго Университетининг профессори М.Фридман ҳисобланади. Монитаристлар иқтисодиётга давлатнинг аралашувини максимал даражада чеклашни қатъий талаб қилдилар. Шу боисдан улар солиқларнинг даражасини минималлаштиришни, иқтисодиётни пул массасини ва фоиз ставкаларини ўзгартириш орқали тартибга солишни таклиф қилдилар.

Солиқ назариясини ривожланишига сезиларли ҳисса қўшган олимлардан бири италиялик Ф.Нитти ҳисобланади. У давлат бюджети даромадлари ва харажатларини таққослаш усулидан фойдаланган ҳолда солиқларнинг бюджет даромади сифатидаги ролига қуйидагича баҳо беради: «Солиқлар – давлатнинг иқтисодий сиёсатининг ажралмас қисмидир. Агар йиғиладиган солиқларнинг сезиларли қисми ишлаб чиқариш мақсадларига, самарали ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантиришга ва илмий тадқиқотларга ишлатилса, агар армия ва давлат аппаратини сақлаш харажатлари нисбатан катта бўлмаса, у ҳолда солиқлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга тўсқинлик қилмайди. Ва аксинча, агар йиғиладиган солиқлар бюджет соҳаси орқали истеъмолга йўналтирилса, яъни еб юборилса у ҳолда улар мамлакат иқтисодиётини вайрон қиладиган тарзда таъсир кўрсатади»²⁰.

Таниқли рус иқтисодчи – олимларидан М.Сперанский, С.Виттилар солиқларнинг бюджет даромадлари сифатидаги ролига баҳо берганлар. Уларнинг назарий қарашларига хос бўлган ўзига хос жиҳат – бу солиққа тортишнинг маънавийлик (нравственность) тамойилини ишлаб чиқилганлиги ҳисобланади. Ушбу тамойилга кўра ўзига тўқ, бадавлат мулк эгаларига

²⁰ Нитти Ф. Основные начала финансовой науки. – М.: 1992. – 241 с.

нисбатан кўшимча солиқларнинг ва юқори солиқ ставкаларининг қўлланилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўзбек олимларидан Қ.Яҳёев солиқларни бюджет даромадларининг манбаи сифатида тадқиқ қилар экан, «Солиқларнинг объектив зарурлиги – давлатнинг бажарадиган қатор функцияларини маблағ билан таъминлашнинг зарурлигидан келиб чиқади»²¹ деган хулосани шакллантирган.

Профессор Т.Маликовнинг фикрига кўра «Солиқлар иқтисодий категория сифатида миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида вужудга келганлиги ва фаолият кўрсатганлиги учун ишлаб чиқариш муносабатлариинг бир қисмидир»²².

Лекин, бирон-бир мамлакат амалиётида юқорида қайд этилган назарияларнинг биронтаси соф ҳолида қўлланилмайди. Одатда, мазкур назарий оқимларнинг айрим қоидаларидан миллий солиқ тизими маълум бир даврий оралиқларда фойдаланилади.

Ушбу режада солиқларнинг бюджет даромадларининг манбаи сифатидаги моҳиятини очиб беришга бағишланган назарий қарашларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики:

Биринчидан, солиқлар давлатнинг функцияларини бажаришнинг асосий ва бирламчи молиявий манбаи ҳисобланади;

Иккинчидан, солиқларнинг миллий даромадни қайта тақсимлашдаги роли бевосита давлатнинг иқтисодиётга аралашуви даражаси билан белгиланади;

Учинчидан, солиқлардан бюджетнинг иқтисодий мазмундаги харажатини молиялаштиришда фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор бериш амалий аҳамият касб этади, чунки ривожланаётган давлатларда иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш давлатнинг иқтисодиётга фаол молиявий аралашувини зарур қилиб қўяди;

²¹ Яҳёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. – Т.: Ғ.Ғулом, 2000. – 11 б.

²² Маликов Т. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Т.: Академия. 2002. – 18-б.

Тўртинчидан, солиққа тортиш тамойилларини бузилишига йўл қўймаслик солиқ тушумларининг барқарорлигига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади;

Бешинчидан, республикамиз иқтисодиётининг инвестицион ресурсларга бўлган юқори даражадаги талабини қондириш мақсадида солиқларнинг жамғармаларга таъсирини илмий жиҳатдан ўрганиш назарий ва амалий аҳамиятга эгадир.

II-Боб. Давлат бюджети даромадларини самарали ва барқарор ўсишини таъминловчи омиллар

2.1. Давлат бюджети даромадларини таснифланишнинг амалдаги ҳолати

Давлат бюджети даромадларини таснифлаш масалалари С.Фишер, Р.Дорнбуш, Р.Шмалензи, Э.Долан, В.Радионова, Л.Драбозина, Л.Окунева, С.Брю, Р.Макконелл каби таниқли иқтисодчи олимларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган. Жумладан, С.Фишер, Р.Дорнбуш, Р.Шмалензилар ўзларининг “Экономика” асарида Давлат бюджети даромадларини таснифлашнинг фақат битта мезаонига эътиборларини қаратадилар. Яъни улар бюджет даромадларини солиқли ва солиқсиз даромадларга ажратадилар²³.

Америкалик таниқли иқтисодчи-олим Э.Долан Давлат бюджетининг даромадларини дастлаб солиқли ва солиқсиз даромадларга бўлинади. Ундан кейин эса, бюджетнинг солиқли даромадларининг ўзини соф солиқлар ва бошқа солиқли даромадларга бўлади²⁴.

Юқорида қайд этилган ҳар иккала ҳолатда Давлат бюджети даромадларини таснифлаш мезонлари ўзининг тўлиқ аксини топмаган.

Шуни қайд этиш лозимки, Давлат бюджети даромадларини таснифлаш борасида иқтисодий адабиётларда кескин мунозаралар мавжуд эмас.

Булунғур туманининг солиқли ва солиқсиз даромадлари тўғрисидаги маълумотларни 2-жадвалда акс эттирдик. Умуман олганда, улар ўтган йилларга нисбатан ўсиш тенденциясига эга бўлган. Унда солиқли даромадларнинг асосий ўринни эгаллаганлигини кўриш мумкин.

Давлат бюджетининг даромадлари турли белгиларга кўра таснифланади. Ҳозирги вақтда уларни тўрт асосий белгисига кўра таснифлаш кенг қўлланилади.

²³ Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. Пер. с англ. – М.: Дело, 1993. – с. 525-526.

²⁴ Долан Э., Линдсей Д. Макроэкономика. Пер. с англ. – СПб.: 1994. – с. 148-149

**Самарқанд вилояти Булунғур туман маҳаллий бюджетининг солиқли ва
солиқсиз даромадлари таркиби, минг сўм ҳисобида**

т/р	Даромадлар	Жами	Ҳисса, %
1	Тўғри солиқлар - жами	13 013 000	38,4
1.1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	105 000	0,3
1.2	Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	2 900 000	8,6
1.3	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар, шу жумладан кичик корхона ва микрофирмалар бўйича	1 400 000	4,1
1.4	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	6 720 000	19,8
1.5	Тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган катъий белгиланган даромад солиғи	1 850 000	5,5
1.6	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	38 000	0,1
2	Эгри солиқлар - жами	10 525 000	31,0
2.1	Қўшилган қиймат солиғи	2 400 000	7,0
2.2	Акциз солиғи	0	0
2.3	Давлат божи	2 025 000	6,0
2.4	Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизел ёқилғиси ва газ истеъмол қилганлик учун солиқ	6 100 000	18,0
3	Ресурс тўловлари ва мол-мулкга солинадиган солиқлар - жами	7 536 500	22,2
3.1	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	180 000	0,5
3.2	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	2 500 000	7,4
3.3	Ер солиғи (ягона ер солиғидан ташқари)	2 600 000	7,7
3.4	Ягона ер солиғи	2 250 000	6,6
3.5	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	6 500	0,02
4	Бошқа даромадлар - жами	2 830 000	8,4
4.1	Жарималар	1 500 000	4,4
4.2	ЎзР ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ундириладиган йиғимлар	48 000	0,14
4.3	Бозорлар даромадидан тушум	807 000	2,4
4.4	Маҳаллий йиғимлар	90 000	0,27
4.5	Бошқа тушумлар	385 000	1,14
	Даромадлар жами	33 904 500	100

Давлат бюджетининг даромадлари ташкил топиш манбаларига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

- а) юридик шахслардан олинадиган солиқлар;
- б) аҳолидан олинадиган солиқлар;
- в) ҳукуматнинг қимматли қоғозларини сотишдан олинган даромадлар;
- г) банк тизимининг кредитлари;
- д) давлат мулкани сотишдан олинган даромадлар;
- е) хорижий мамлакатлардан ва ҳалқаро ташкилотлардан олинган кредитлар ва молиявий ёрдамлар;
- ё) бошқа даромадлар.

Давлат бюджетининг даромадлари ундириш усулига кўра иккига бўлинади:

- а) солиқли даромадлар;
- б) солиқсиз даромадлар.

Давлат бюджетининг даромадлари солиқ турларига кўра қуйидагиларга бўлинади:

- а) юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи;
- б) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- в) қўшилган қиймат солиғи;
- г) акциз солиғи;
- д) ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;
- е) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- ё) ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- ж) мол-мулк солиғи;
- з) жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ;
- и) ер солиғи;
- к) бошқа солиқлар ва йиғимлар.

Давлат бюджетининг даромадлари мамлакатнинг давлат қурилишига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1) Унитар давлатларда:

- а) марказий бюджетнинг даромадлари;
- б) маҳаллий бюджетларнинг даромадлари.

2) Федерал давлатларда:

- а) марказий бюджетнинг даромадлари;
- б) федерация субъектларининг бюджет даромадлари;
- в) маҳаллий бюджетларнинг даромадлари.

Бизнинг фикримизча, юқорида баён этилган таснифлаш мезонлари давлат бюджети даромадлари моҳиятини очишга хизмат қилади, аммо уни тўлиқ очиб бера олмайди, чунки бунда давлат бюджети даромадларини қиймати ва барқарорлиги жиҳатидан таснифлаш мавжуд эмас. Шунинг учун давлат бюджети даромадларини яна иккита мезонга кўра таснифланишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1) давлат бюджети даромадларининг барқарорлик даражасига кўра таснифлаш;


2) давлат бюджети даромадларини қиймат жиҳатидан таснифлаш.

Бизнинг фикримизча, давлат бюджети даромадлари барқарорлигига кўра барқарор ва нобарқарор, қиймат жиҳатидан юқори харажатли ва кам харажатли даромадларга бўлиниши лозим.

Шуниси хусусиятлики, ҳар бир давлатда унинг ривожланиш даражаси, хўжалик субъектларининг ҳукуматга бўлган ишончи, ижтимоий тақрор ишлаб чиқариш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари давлат бюджети даромадларига бевосита ва кучли таъсир кўрсатади. Шунинг учун давлат бюджети даромадларини барқарорлиги ва қиймат жиҳатдан таснифлашда ана шу хусусиятлар ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ.

2016-2017 йилларда Булунғур туман бюджет даромадлари таркиби 1-диаграммада акс эттирилди.

2016-2017 йилларда Булунғур туман бюджет даромадлари таркиби, минг сўм



Фикримизча, қиймат жиҳатдан энг кам харажатли даромад – бу солиқлар ҳисобланади, чунки улар давлат фойдасига қайтариб берилмаслик шarti билан ундириладиган мажбурий тўловлардир.

2.2. Давлат бюджетини бошқа даромадларини ташкил этиш хусусиятлари ва уларга таъсир этувчи омиллар

Ҳукуматнинг қимматли қоғозларини сотиш йўли билан олинадиган даромадлар юқори харажатли даромад ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, *биринчидан*, ҳукуматнинг қимматли қоғозларига нисбатан юқори ставкаларда фоиз тўланади, чунки аҳоли иа корхоналар, одатда, ҳукуматнинг облигацияларига ва хазина векселларига тўланадиган фоизлар тижорат банкларининг депозит ва омонатларига тўлайдиган фоиз станкаларидан юқори бўлгандагина уларии сотиб оладилар. Бунинг устига, ҳукумат облигацияларига тўланадиган фоиз ставкаси инфляция даражасини ҳисобга

олган ҳолда ўзгартирилади, яъни инфляциянинг ўсган даражасини ҳисобга олган ҳолда тўланади. *Иккинчидан*, дунёнинг кўплаб мамлакатларида, масалан, Россия Федерациясида ва Ўзбекистонда корхоналарнинг ҳукуматнинг облигацияларидан оладиган даромадлари солиққа тортилмайди. Демак, давлат бюджетига солиқ тушумларининг билвосита камайиши юз беради.

Дунё мамлакатларининг асосий қисмида давлат бюджети харажатларини ва дефицитини қонлашда банк кредитларидаи фойдаланилади. Шу жиҳатдан олганда, банк тизимининг кредитлари давлат бюджети доимий даромад манбаларидан бирига айланган. Айни вақтда, халқаро бюджет амалиётининг тажрибаларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатаптики, ривожланган мамлакатларда Марказий банк томонидан ҳукуматга берилаётган кредитларнинг асосий қисмини ломбард ставкаларда берилаяпти. Ҳолбуки, ломбард ставкалар нисбатан юқори ставкалар бўлиб, улар Марказий банкнинг соф ставкасига нисбатан 2 - 3 пунктга юқори бўлади. Ҳукуматга тижорат банклари томонидан берилаётган кредитлар бозор ставкаларида берилади. Демак, ривожланган мамлакатларда давлат бюджетининг даромад қисмига жалб қилинаётган банк кредитларини юқори харажатли даромад сифатида баҳолаш мумкин. Ривожланаётган мамлакатларда эса Марказий банк томонидаи ҳукуматга нисбатан пасг фоиз ставкаларида кредит бериш амалиёти кенг қўлланилади. Бунинг асосий сабаби шундаки, *биринчидан*, мазкур мамлакатларда Марказий банкнинг мустақиллик (эркинлик) даражаси паст; *иккинчидан*, ҳукуматга Марказий банк томонидан берилаётган кредитларнинг асосий манбаи пул эмиссияси ҳисобланади. Демак, ривожланаётган мамлакатларда Марказий банк томонидаи давлат бюджетининг даромадларига жалб қилинаётган кредитларни кам харажатли даромад сифатида эътироф этиш мумкин.

Хорижий мамлакатлардан ва халқаро молия-кредит ташкилотларидан давлат бюджетининг даромад қисмига жалб қилинаётган кредитлар фоиз

ставкасига кўра юқори ёки паст қийматга эга бўлган даромадлар сифатида таснифланиши мумкин. Масалан, Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банки томонидан бериладиган кредитларнинг йиллик фоиз ставкаси 1-4 фоизни ташкил қилади. Бундан ташқари, халқаро валюта фонди томонидан мамлакатларнинг тўлов балансини ҳолатини яхшилаш мақсадида берилган кредитларнинг фоиз ставкаси ҳам сезиларли даражада паст бўлади. Айни вақтда, хорижий банклар ва халқаро молия ташкилотлари томонидан бериладиган кредитларнинг сезиларли қисми бозор ставкаларида бериладиган кредитлардан иборатдир. Айниқса, сузувчи ставкада бериладиган кредитларнинг баҳосини ошиш эҳтимоли юқори бўлади. Демак, хорижий банклар ва халқаро молия-кредит ташкилотлари томонидан давлат бюджетиинг даромад қисмига жалб қилинаётган кредитларни, уларнинг фоиз ставкасининг даражасига қараб, кам харажатли ёки юқори харажатли даромадлар гуруҳига киритиш мумкин.

Ривожланаётган мамлакатларда, айниқса, Шарқий Европа ва МДХ мамлакатларида давлат мулкани хусусийлаштириш жараёни фаол тарзда давом эттирилмоқда. Бунинг натижасида мазкур мамлакатларнинг давлат бюджетига сезиларли даражада даромад тушмоқда. Моҳиятига кўра бу даромад кам харажатли даромад ҳисобланади. Чунки, бунда давлат ва хўжалик субъектлари ҳамда аҳоли ўртасида бирёқлама характерга эга бўлган пул маблағларининг ҳаракати кузатилади.

2.3. Бюджет даромадларини барқарорлигини таъминлаш омиллари ва хориж тажрибаси

Юқорида давлат бюджети даромадларининг асосий турларини уларнинг қиймати жиҳатидан таснифлашни кўриб чикдик. Энди биз, мазкур даромад турларини уларнинг барқарорлик даражасига кўра таснифлаш масадасини кўриб чиқамиз.

Солиқлар моҳиятига кўра аниқ манбага эга бўлган даромад бўлганлиги сабабли, уларни барқарор даромадлар гуруҳига киритиш мумкин. Лекин, маълум даврий оралиқларда иқтисодий конъюнктурани ўрганиши натижасида айрим солиқлар бўйича олинadиган тушумлар суммаси камаёди. Масалан, корхоналарнинг молиявий ҳолатини ёмонлашуви натижасида уларнинг фойдасидан олинadиган солиқ суммаси камайиши мумкин. Аммо кўпчиллик ҳолларда бир солиқ тури бўйича тушумларнинг камайган суммаси бошқа солиқ турлари бўйича тушумлар суммасининг ўсиши ҳисобига қопланади.

Ҳукуматнинг қимматли қоғозларини сотиш натижасида олинadиган даромадларни уларнинг барқарорлик даражасига кўра таснифлашда ҳар бир мамлакатда ҳукумат қимматли қоғозлар бозорини ривожланганлик даражасини ҳисобга олинади. Масалан, АҚШда ҳукуматнинг қимматли қоғозлар бозори юқори даражада ривожланган бўлиб, ҳукумат қимматли қоғозларини сотиш натижасида олинadиган даромадларнинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. АҚШ ҳукуматига бўлган ишонч даражасининг юқори эканлиги Миллий ва Ҳалқаро фонд бозорларида АҚШ ҳукуматининг қимматли қоғозларига бўлган барқарор талабларни юзага келишига асос бўлди.

Демак, ҳукумат қимматли қоғозлар бозорининг ривожланганлиги ҳукуматга бўлган ишончининг юқори эканлиги, ҳукуматнинг қимматли қоғозларига бўлган барқарор талабни юзага келтиради. Бу эса, ўз нaнбатида, ҳукуматнинг қимматли қоғозларини сотишдан олинadиган даромадларнинг барқарорлигини белгилайди.

Ривожланаётган мамлакатларнинг сезиларли қисмида қимматли қоғозлар бозори, шу жумладан, унинг асосий сигментларидан бири бўлган ҳукуматнинг қимматли қоғозлар бозори ривожланмаган. Бунинг устига, ҳукуматга бўлган ишонч даражасини паст эканлиги, миллий валютанинг алмашув курсини нобарқарорлиги ва ҳукуматнинг қимматли қоғозларининг

даромадлилиқ даражасини доимий равишда тебраниб туриши уларга бўлган барқарор талабни юзага келишига тўсқинлик қилади. Бу эса, ўз навбатида, ҳукуматнинг қимматли қоғозларини сотишдан олинадиган даромадларининг нобарқарорлигини белгилайди.

Халқаро амалиётда бир неча мамлакатларнинг ҳукуматларини тўловга ноқобил бўлиб қолиши уларнинг қимматли қоғозларининг бозор баҳосини тушиб кетишига сабаб бўлди. Бунинг натижасида қимматли қоғозларга қилинган иивестициялар суммаси аста — секинлик билан инвесторларга қайтариб берилди ва бунинг натижасида давлат бюджети харажатларининг янада ўсиши юз берди. 1982 йилда Мексика ҳукумати, 1998 йилда Россия ҳукумати, 2000 йилда Аргентина ҳукумати расман дефолт деб эълон қилинди²⁵. Бунинг натижасида улар томонидан чиқарилган қимматли қоғозларнинг бозор баҳоси кескин иасайди ва янғидан чиқарилган қимматли қоғозларни сотилиш натижасини кескин тушиб кетиши кузатилди.

Риважланаётган мамлакатларда миллий валютанинг алмашув курсини нобарқарорлик муаммоси мавжуддир. Бу муаммо ҳукуматнинг қиммагли қоғозлар бозорининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Чунки, ҳукуматнинг қимматли қоғозларнинг асосий қисми миллий валютада эмиссия қилинганлиги сабабли миллий валюта курсининг кескии пасайиши инвесторларнинг ҳукуматни қимматли қоғозларининг сотиб олишга сарфлаган иивестициялари ва оладиган фоизли даромадларининг реал қийматини сезиларли даражада пасайишига олиб келади. Бу эса, уларда ҳукуматга нисбатан ишончсизликни кучайишига сабаб бўлади. Масалан, 1998 йил августида Россияда дефолт ҳолати юзага келганда Россия рублининг 1 АҚШ долларига нисбатан курси 20 рублдан ошиб кетди. Ҳолбуки, инқирозга қадар 1 АҚШ доллари 6 рублини ташкил қилар эди. Бунинг натижасида Россия ҳукуматининг рублда эмиссия қилинган

²⁵ Зайналов Ж.Р. Замоновий корпоратив бошқарув. Лекциялар курси. – Самарқанд: СамИСИ, 2016. – 320 б.

қимматли қоғозларини сотиб олишга сарфланган инвестициялар қийматини кескин насайиши юз беради.

Демак, ривожланаётган мамлакатларда қимматли қоғозлар бозорининг, шу жумладан, ҳукумат қимматли қоғозларининг ривожланганлик даражасини ҳукуматга бўлган ишонч даражасини, миллий валютанинг алмашув курсини барқарорлигини ҳисобга олган ҳолда ҳукуматнинг қимматли қоғозларини сотишдан олинадиган бюджет даромадларини барқарорлик даражасига баҳо бериш мумкин.

Давлат бюджетининг даромад қисмига жалб қилинадиган кредитлар барқарорлик даражасини баҳолаш учун ҳукумат ва банк тизими ўртасидаги кредит муносабатларининг моҳиятидан келиб чиқиш лозим. Масалан, Германияда Марказий банк ҳукуматга 6 млрд. Евро миқдорида кредит бериши мумкин, лекин Марказий банк ҳукуматга кредит бериш мажбуриятига эга эмас, у хоҳласа шунча миқдоргача кредит бериш мумкин. Бундай шароитда Марказий банк кредитчариии давлат бюджетиниинг барқарор даромад манбаи деб бўлмайди. Лекин, кўпчиллик мамлакатларда, масалан, АҚШ ва монопияда ҳукумат ва банклар ўртасида молиявий йилда бюджет даромадларига олинадиган кредит суммаларини белгилаб қўйиш ҳоллари мавжуд. Бундай шароитда давлат бюджоти даромадларига олинадиган банк кредитларини барқарор даромадлар гуруҳига киритиш мумкин.

Давлат бюджети даромадларига олинадиган ташқи манбалар, яъни хорижий кредитлар ва молиявий ёрдамлар иқтисодий мазмунига кўра, нобарқарор даромадлар ҳисобланади. Чунки, уларни бериш масаласини кредитор давлатлар ва халқаро молия-кредит ташкилотларининг бошқарувчилар кенгаши ҳал қилади. Уларнинг миқдори йилдан йилга ўзгариб туради. Шу боисдан, мазкур даромадларни барқарор даромадлар гуруҳига киритиш мақсадга мувофиқ эмас.

1-жадвал

**Самарқанд вилояти Булунғур тумани бўйича бюджет даромадларининг айрим ҳисобот давридаги ижроси ва
прогноз кўрсаткичлари бўйича маълумот, минг сўмда**

№	Йиллар	Жами йиллик	1- чорак	2- чорак	3- чорак	4- чорак	Чоракларда ҳақиқий тушум улуши			
							1- чорак	2- чорак	3- чорак	4- чорак
1	2012 йил ҳақиқий тушум	14536,6	2965,1	3538,9	3804,9	4227,7	20,4%	24,3%	26,2%	29,1%
2	2013 йил ҳақиқий тушум	20345,2	4087,8	4880,0	5380,7	5996,7	20,1%	24,0%	26,4%	29,5%
3	2013 йилда тушумнинг 2012 йилдаги тушумга нисбатан ўзгариши %	140%	138%	138%	141%	142%				
4	2014 йил ҳақиқий тушум	23635,1	4942,1	5478,0	6229,9	6985,1	20,9%	23,2%	26,4%	29,6%
5	2014 йилда тушумнинг 2013 йилдаги тушумга нисбатан ўзгариши %	116,2%	120,9%	112,3%	115,8%	116,5%				
6	2015 йил ҳақиқий тушум	26776,0	5564,0	6740,3	7093,0	7378,7	20,8%	25,2%	26,5%	27,6%
7	2015 йил тушумнинг 2014 йилдаги тушумга нисбатан ўзгариши %	113,3%	112,6%	123,0%	113,9%	105,6%				

III-Боб. Давлат бюджети даромадларини самарали бошқаришни таъминлашнинг йўналишлари ва истиқболи

3.1. Давлат бюджети даромадларини самарали ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини таснифлаш мезонлари

Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг ҳуқуқий асоси бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси ҳисобланади. Шуниси характерлики, мазкур кодексда давлат бюджети даромадларини таснифлашнинг икки мезонига, яъни даромадларни давлат қурилишига кўра ва ташкил топиш манбаларига кўра таснифлаш мезонига амал қилинган. Хусусан, қонун Республика бюджети даромадларининг ташкил топиш манбаларига кўра турлари ўз аксини топган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги ва нормативлар асосидаги умумдавлат солиқлари, йиғимлари, божлари ва бошқа мажбурий тўловлар;

2) қонун ҳужжатларида белгиланган нормативлар бўйича давлат молияий ва бошқа активларини жойлаштирилиши, фойдаланишга борилиши ва сотилишидан олинган даромадлар;

3) қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳадя этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари,

4) юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек, чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари;

5) резидент-юридик шахсларга ва чет эл давлатларига берилган бюджет ссудаларини қайтариш ҳисобига берилган тўловлар;

6) қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа даромадлар.

Кодекснинг 18-моддасида эса маҳаллий бюджетларнинг даромадлари ташкил топиш манбаларига кўра акс эттирилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1) қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга йўналтириладиган маҳаллий солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий

тўловлар;

2) қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган умумдават солиқлари, йиғимлари, божлари ва бошқа мажбурий тўловлар;

3) қонуи ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ давлат мулки объектларини жойлаштириш, фойдаланишга боришдан олинган даромадлар;

4) қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳадя этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари;

5) юқори бюджетлардан бериладиган бюджет дотациялари, бюджет субвенциялари ва бюджет ссудалари;

6) юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек, чет эл даилатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари;

7) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар.

Демак, давлат бюджети даромадлариинг моҳиятини тўлиқ очиш учун уларни 5 та мезонга асосан таснифлаш мақсадга мувофиқдир.

Бюджет даромадларининг асосий қисмиини солиқлар ташкил қилиши, бюджетнинг иқтисодиётни тартибга солувчи вазифасини кучайтиради. Даромадлар таркибида эгри солиқларнинг улуши ортиши мамлакат ишлаб чиқариш қувватига, иқтисодиётнинг тараққиётига ўз таъсирини кўрсатади, ўтиш даврида бу айниқса муҳим. Масалан, эгри солиқлар бюджет даромадларининг Францияда 62,7 фоизини, Нидерландияда эса 41,3 фоизини ташкил этади²⁶. Божхона божлари эса мамлакат ташқи иқтисодиёт фаолиятини, ички бозорнинг ва миллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилишни тартибга солишда аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, эгри солиқларнинг иқтисодиёт тараққиётидаги аҳамияти каттадир. Эгри солиқлар ундиришнинг оддийлиги

²⁶ Зайналов Ж.Р. Замоновий корпоратив бошқарув. Лекциялар курси. – Самарқанд: СамИСИ, 2016. – 320 б.

билан ажралиб туради, уларни қўллаш ишлаб чиқариш иасайиб кетаётган шароитда ҳам бюджетни маблағ билан таъминлаб туриш имконини беради.

Булунғур туман маҳаллий бюджетининг 2016 йилги даромадлари, харажатлари, мақсадли субвенция ва бериладиган даромадлар ҳажми тўғрисидаги маълумотлар 3-жадвалга акс эттирилди.

3-жадвал

Булунғур туман маҳаллий бюджетининг 2016 йилги даромадлари, харажатлари, мақсадли субвенция ва бериладиган даромадлар ҳажми минг сўм ҳисобида

Даромадлар	Харажатлар	Субвенция	Туман бюджетига бериладиган даромадлар
33904500	82313712	48409212	0

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг тараққиётида давлатнинг бюджет сиёсати икки босқични босиб ўтди, бу босқичлар фискал (1991-1995 йиллар) ва ноинфляцион (1996 йилдан ҳозиргача) тарзда тавсифланади.

Иқтисодиёт тараққиёти, давлат бюджети ривожланишининг биринчи босқичи ғоят оғир кечди, чунки маъмурий-буйруқбозлик, режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатнинг бюджетини шакллантириш иқтисодий танглик шароитларида амалга оширилди. Давлат бюджети даромадларини пасайишга олиб келган ялпи ички маҳсулотнинг кескин камайиб кетиши, шунингдек, даромадлар ва харажатларнинг самарасиз тузилмаси ҳам бюджет дефицитига сабаб бўлди.

Иқтисодий ўсишнинг асослари яратилди. Бюджет сиёсати ривожининг бу босқичи ноинфляцион босқич тарзида тавсифланадики, унинг давомида қуйидаги вазифаларини ҳал қилиш назарда тутилган эди:

- балансли, мукаммал бўлган бюджетни шакллантириш;
- солиққа тортиш тизимини яида такомиллаштириш ва универсаллаш;
- бюджет харажатларини оптималлаштириш, хусусан иқтисодиёт

тармоқларини қайтариб олинмайдиган молиялаштириш амалиётидан уларни инвестициялашга ўгиш;

- бюджет қонунчилигини янада ривожлантириш.

Шундай қилиб айтиш мумкинки, бугунги кунда Ўзбекистон бюджет тизими бозор муносабатларига мос равишда ривожланиб бормоқда, шунингдек, иқтисодий тартиб-ҳисоб барқарорлаштиришда бюджет тизимининг роли ошиб бормоқда, бюджет даромадлари ва харажатлари тизимининг янги кўрииниши пайдо бўлди.

Ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий барқарорлиги бевосита шу мамлакатнинг молиявий кўрсаткичларига, аҳолининг яшаш шароитига, иш кучининг салоҳиятига қараб баҳоланади. Албатта бу фаолиятларни амалга ошириш молиявий маблағларни талаб этади. Иқтисодий тартиб-ҳисоб учун зарур. бўлган барча тармоқларни молиявий таъминлаб турувчи асосий унсурлардан бири давлат бюджети ҳисобланади. Юқоридаги бобда давлат бюджетининг моҳияти, унинг вазифа ва функциялари ҳақида тўхталган эдик. Иқтисодий тартиб-ҳисобга давлат бюджети қўшган ҳиссани аниқлаш учун шу йил амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, солиқ ва бюджет сиёсати бўйича амалга оширилган кўрсаткичлар билан танишиб чиқсак.

2003 йилда иқтисодий ҳаётимизда солиқ юкини камайтириш, барқарор иқтисодий ўсиш, инфляция даражасини йиллик 40 фоизгача пасайиши, тадбиркорликнинг ривожланиши ва сўмнинг эркин айирбошлаиши давлат бюджетининг даромадларини ҳам ҳажми, ҳам таркибига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Жумладан, корхоналар даромад (фойда) солиғи ставкасининг 24 фоиздан 20 фоизгача пасайтирилди. Шу билан бирга корхоналар ва ташкилотларнинг айланма маблағлари кўпайишига ва натижада, ишлаб чиқаришнинг ўсишига ва шу орқали солиққа тортиш базасининг кенгайишига имкон яратди. Шунингдек, аҳоли даромадларини солиққа тортишнинг умумий даражаси 10 фоизга камайтириш аҳоли реал

даромалларининг ошиши ҳисобига солиқ базасининг кенгайшига олиб келди ва тушумлар ўтган йилгига нисбатан 25,5 фоизга ошди.

Бевосита солиқлар таркибида кичик корхоналар томонидан тўланадиган ягона солиқ тушумлари 2010 йилга нисбатан 2016 йилда 1,3 бараварга ошди. Бу ижобий ўзгаришлар мамлакатимизда тадбиркорликни, кичик корхоналар сони ва ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиб бораётганлиги натижасидир. Билвосита солиқлар бўйича тушумлар 1353,8 млрд. сўмни ва уларнинг жами бюджет даромадларидаги улуши 2002 йилга нисбатан кўпайди.

Даромадлар ижросини таҳлил қилиб шуни айтиш мумкинки, Лавлат бюджетининг жами даромадлари ялпи ички маҳсулотга нисбатан фақат 2002 йилда 25,5 фоиздан 2003 йилда 23,8 фоизгача пасайиши кузатилган бўлса, энди бу пасайиш тенденциясига эга бўлмоқда. Бу ҳолат республика ҳукумати томонидан олиб борилаётган иқтисодиётга солиқ юкини пасайтириш сиёсатининг натижаси деб айтсак, муболаға бўлмайди.

Давлат бюджетининг харажатлари бўйича ижросига тўхталиб, авваламбор, инфляция даражасининг насайиши, валюта айирбошлаш курсининг барқарорлашуви ҳамда ижтимоий қўллаб қувватлашнинг манзиллилигини янала ошириш натижасида 2003 йилда бюджет харажатлари миқдори нисбатан камайиши кузатилди.

Давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларининг етакчи ўрни 2017 йилда ҳам сақлаб қолинди ва бу жами бюджет харажатларининг 41,0 фоизини ташкил этди.

Қисқача қилиб айтганда, барқарор иқтисодий ривожланиш иқтисодиётда таркибий ўзгаришларнинг чуқурлашуви ва ижобий институционал ўзгаришлар 2016 йил давлат бюджетининг муваффақиятли ижросини таъминлади.

3.2. Давлат бюджети даромадларини омилли ўсишини шаффофлигини таъминлаш йўллари

Бюджет даромадлари давлатнинг марказлаштирилган молиявий ресурслари бир қисмидан иборат бўлиб, давлатнинг функцияларини бажариш учун зарурдир. Улар пул маблағлари фондларини шакллантириш ва прогнозлаш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий (молиявий) муносабатларни ўзида ифода этади ва турли даражадаги ҳокимият органларининг ихтиёрига келиб тушади.

Бюджет даромадлари давлатнинг даромадларига нисбатан торроқ бўлган тушунчадир. Чунки давлат даромадлари ҳокимият барча даражалари бюджетларининг молиявий маблағлари билан биргаликда яна ўзининг таркибига давлат нобюджет фондлари ва барча давлат секторига тегишли бўлган бошқа ресурсларни ҳам қамраб олади.

Бюджет даромадларининг асосий моддий манбаи миллий даромаддир. Агар давлатнинг молиявий эҳтиёжларини қондириш учун миллий даромад етарли бўлмаса, давлат бундай эҳтиёжни қондиришга миллий бойликни жалб этиши мумкин. Бу ерда миллий бойлик дейилганда маълум бир даврда жамиятнинг ихтиёрида бўлган, ҳозирги ва ўтган авлоднинг меҳнатлари эвазига яратилган моддий неъматлар ҳамда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилинган табиий ресурслар мажмуи назарда тутилаяпти.

Миллий даромадни давлат томонидан давлатлаштириш (давлат ихтиёрига ўтказиш) турли методлар ёрдамида амалга оширилади. Солиқлар, давлат кредити ва пул эмиссияси давлат ҳокимият органлари томонидан миллий даромадни қайта тақсимлаш ва бюджет даромадларини шакллантириш учун фойдаланилаётган методларнинг асосийлари бўлиб ҳисобланади. Бу методлар ўртасидаги нисбат мамлакатлар ва даврлар бўйича турлича бўлиб, мамлакатдаги иқтисодий вазият, ижтимоий-иқтисодий ва

бошқа қарама-қаршиликларнинг ўткирлик даражаси, давлатнинг молиявий сиёсати ва молиявий аҳволи билан белгиланади.

Миллий даромадни қайта тақсимлашнинг асосий методи солиқлар ҳисобланади. Улар ёрдамида бюджет даромадларининг асосий салмоғи таъминланади. Турли мамлакатлар марказий бюджетларининг даромадларида солиқ тушумлари қарийб 90%ни ташкил этади. Федерация аъзолари ва маҳаллий бюджетлар даромадларида солиқларнинг салмоғи нисбатан пастроқдир. Бу бюджетлар бириктирилган (тегишли бюджетларнинг ўз даромадлари) ва тартибга келтирувчи (бюджет тизимининг юқори бўғинидан қуйи бўғинига бериладиган даромадлар) даромадлар ҳисобидан шакллантирилади.

Ўзининг молиявий аҳамиятига кўра давлат кредитлари бюджет даромадларининг навбатдагиси бўлиб ҳисобланади. Келгуси йил учун бюджет тузилаётган пайтда бюджет дефицити мавжуд бўлса (вужудга келса), давлат ана шу методдан фойдаланади. Давлат мамлакатда молиявий аҳволнинг мураккаблашиши ва бюджет дефицити ҳажмининг ошишига мувофиқ равишда давлат кредитига мурожаат қилади. Бундай кредитларни олишнинг икки йўли мавжуд:

- 1) давлат номидан қимматли қоғозларни чиқариш йўли билан жисмоний ва юридик шахслардан давлат қарзларини олиш;
- 2) марказий банк ва бошқа кредит ташкилотларидан олинган кредитлар.

Давлат кредит операциялари ҳажмининг ошиши давлат қарзининг ошишига олиб келади. Ўз навбатида, давлат қарзлари солиқлар билан чамбарчас боғлиқ. Уни узиш (қайтариш) ва у бўйича фоизларни тўлаш, асосан, солиқ тўловлари ёки давлатнинг янги кредит операциялари ҳисобидан амалга оширилади.

Фавқулодда ҳолатларда, солиқ тўловлари ва давлат кредитларини олиш мураккаблашганда давлат қоғоз пуллар эмиссиясига мурожаат қилади. Бу

бюджет даромадларини тўлдиришнинг энг ноқулай методидир. Чунки бу методнинг қўлланилиши тегишли тартибда товар билан таъминланмаган пул массасининг ўсишига ва инфляциян жараёнларнинг кучайишига, пировардида эса, оғир ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Бюджет даромадлари мамлакат ялпи ички (миллий) маҳсулотини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш умумий жараёнининг элементларидан бири бўлиб, оралиқ (транзит) характерга эга. Улар юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган даромадлар ва жамғармаларнинг бир қисмини бюджетга ўтказилиши натижасида вужудга келади. Бюджет даромадларининг моддий-буюмлашган мазмунини давлатнинг ихтиёрига бориб тушган пул маблағлари ташкил этади. Бу молиявий (бюджет) категориянинг намоён бўлиш шакли бюджетга бориб тушувчи турли солиқлар, тўловлар, йиғимлар, божлар ва ажратмалардан иборат.

Миқдорий жиҳатдан бюджетнинг даромадлари яратилган (ишлаб чиқарилган) ялпи ички (миллий) маҳсулотда (миллий даромадда) давлатнинг улушини кўрсатади. Уларнинг абсолют ҳажми ва салмоғи мамлакатнинг ялпи ички (миллий) маҳсулоти (миллий даромади)нинг умумий ҳажми, у ёки бу даврда давлатнинг олдида турган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, муҳофаа ва бошқа вазифалар билан белгиланади. Ана шуларга мувофиқ равишда бюджетда маблағларни концентрация қилиш (тўплаш, йиғиш) миқдори ва уларни ундиришнинг шакл ва методлари аниқланади.

Бюджет даромадларини шакллантириш жараёнининг қуйидаги принципларга асосланиши мақсадга мувофиқдир:

- субъектларнинг мустақил фаолият кўрсатишига риоя этиш (шароит яратиш). Бунинг маъноси шундан иборатки, субъектларга тегишли бўлган маблағлар бир қисмининг бюджетга олиниши уларнинг мустақил ривожланишига салбий таъсир кўрсатмаслиги керак. Бу чегарадан ошиб кетиш субъектларнинг мустақиллигини юқотишга, касодга учраш

ҳолларининг вужудга келишига, ички резервларни қидириб топишга ва ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларини таъминлашга интилишнинг сусайишига, хуфёна иқтисодиётнинг ривожланишига олиб келади;

- субъектларнинг ҳатти-ҳаракати ва интилишига боғлиқ бўлмаган ҳолда вужудга келган даромадларнинг тўлиқ ёки қисман бюджетга олиниши. Маълум бир харажатларни амалга оширмасдан туриб олинган барча даромадлар субъектларнинг ихтиёрига қолдирилмасдан давлатнинг ихтиёрига ўтиши керак. Бу принципнинг таъсири остига субъектлар маъмуриятининг нотўғри, ноқонуний ҳаракати (масалан, давлат стандартларини бузиш ва бошқалар) натижасида олинган даромадлар ҳам киритилмоғи лозим;

- ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва бошқа мақсадлар учун корхонанинг режалаштирилган эҳтиёжидан ортган суммаларни бюджетга олиш. Бу принцип бюджет даромадларини давлат корхоналарининг маблағлари ҳисобидан ташкил этишда қўлланилиши мумкин. У давлат корхоналарининг молиявий ҳолатини тартибга солади ва бир вақтнинг ўзида ижтимоий эҳтиёжларни қондиришда давлатнинг манфаатларини таъминлайди;

- бюджет механизмининг рағбатлантирувчи таъсирини таъминлаш. Субъектлар ихтиёридан маблағларнинг бюджетга олиниши уларнинг самарали фаолият кўрсатишини рағбатлантириши керак. Бу ерда қўйилган вазифа фақатгина бюджет даромадларини миқдорий жиҳатдан таъминлаш эмас, балки шу орқали корхонада фаолият кўрсатаётган меҳнат жамоаларининг манфаатларига, улар фаолиятининг сифат кўрсаткичларига тўловларнинг таъсирчанлигини кучайтиришдир;

- бюджет даромадларини шакллантиришда улушли иштирок этиш. Бу принцип аҳоли маблағлари ҳисобидан бюджет даромадларини шакллантиришда қўлланилиб, унинг натижасида аҳоли даромадларининг бир

қисми улар олган даромадларининг даражасига боғлиқ равишда бюджетга ўтказилади.

Бюджет даромадларининг асосий қисми солиқлар ёрдамида бюджетга ундирилиши туфайли уларгани прогнозлашда қуйидагиларга эътиборни қаратиш лозим:

- солиқларнинг бюджетга олиниши мамлакат миллий бойлиги манбаларининг тугашига олиб келмаслиги керак;
- солиқлар уларни тўловчилар ўртасида тенг (адолатли) тақсимланмоғи лозим;
- солиқларнинг ишлаб чиқарувчилар айланма фондлари хажмига таъсир кўрсатмаслиги;
- солиқларнинг соф даромадга нисбатан ҳисобланиши;
- давлат учун солиқларнинг ундирилиши иложи борица арзонроқ бўлиши лозим;
- солиқларнинг ундирилиш жараёни хусусий секторни сиқиб чиқармаслиги керак.

Миллий иқтисодиётда қўлланилаётган Давлат бюджети даромадлари тизимининг самарадорлиги маблағларнинг бюджетга тушумини ташкил этишга бевосита боғлиқ. Бу нарса ўз ичига қуйидагиларни олади (3-чизма).

3.3. Давлат бюджети даромадларини самарали бошқаришни ривожлантириш имкониятлари ва истикболлари

Сўнгги йилларда давлат бюджетини прогнозлаштириш орқали бошқариш нисбатан ёндашувлар ўзгариб бормоқда. Дунёнинг турли мамлакатларида тез ўзгарувчан ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни эътиборга олишга имкон берадиган бир йиллик прогнозлар билан бир қаторда уч-беш йиллик прогнозлар ҳам ишлаб чиқилмоқда. Шу нуқтаи назардан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар

стратегиясининг қабул қилиниши мамлакатнинг истикболдаги йилларда давлат бюджети прогнозларини таснифлаши заруратини оширади.



**3-чизма. Давлат бюджети даромадлари тизими самарадорлиги
маблағларининг бюджетга тушуми билан боғлиқлиги**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг

кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбарни – бу Бош вазир ёки унинг ўринбосарлари бўладими, ҳукумат аъзоси ёки ҳудудлар ҳокими бўладими, улар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиб қолиши керак” деб таъкидлаб ўтиб, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва устувор вазифаларини белгилаб бердилар. Ушбу устувор вазифаларнинг учинчиси сифатида “Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш, жумладан, Давлат бюджети барча даражада мутаносиб, миллий валюта ва ички бозордаги нарх даражаси барқарор бўлишини таъминлаш – энг муҳим устувор вазифамиздир”²⁷ деб белгилаб олинди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, давлат бюджетини самарали бошқариш прогнозлаштиришнинг назарий жиҳатдан муҳим муаммоси сифатида унинг объектини кўрсатиш мумкин. Бошқаришни прогнозлаштириш объекти сифатида олиб қараладиган мамлакатнинг жамланма бюджети жуда кенг кўламли белгиларга эга. Шу боисдан ҳам тадқиқот объектига тегишли бўлган алоҳида белгилар кўп миқдорда аниқланиши кенг кўламли маълумот олинади. Ушбу бюджетни тадқиқот объекти сифатида теран англаб етишга, қилинадиган прогнозларнинг сифатини янада оширишга имкон беради. Фикримизча, давлат бюджетини прогнозлаштириш объектлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- миллий иқтисодий тизим;
- миллий иқтисодиётнинг турли тармоқлари;
- уй хўжаликлари;
- резидент ва норезидентлар;
- хусусий сектор;

²⁷ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. //Халқ сўзи, 2017 йил 15 январь, № 13 (5687).

- давлат сектори;
- халқаро иқтисодий муносабатлар;
- ҳудудий иқтисодиёт.

Давлат бюджетини бошқаришда уни даромад манбаларини ўсишини прогнозлаштиришнинг функциялари сифатида қуйидагилар муҳим рол ўйнаши лозим:

- муайян даврда миллий иқтисодиётнинг ривожланишига таъсир этувчи тамойил ва қонуниятларнинг мазмун-моҳиятини ёритиш, уларнинг таъсир хусусияти ҳамда самарасини аниқлаш ва тизимлаштириш;

- ўтган, ҳозирги ва келгуси даврга ўтиш чоғида кузатилаётган ривожланиш тамойил ва қонуниятларнинг ички алоқадорлигини аниқлаш;

- ривожланиш тамойил ва қонуниятларнинг ўтган, ҳозир ва келажакка ўтиш жараёнининг барқарорлигига таъсир кўрсатувчи сиёсий, иқтисодий ва молиявий омилларини тавсифлаш;

- миллий иқтисодиёт истиқбол прогнозидан келиб чиқиб тегишли йўналишларда ривожланиш йўллари асослаш;

- давлат бюджети лойиҳасини ишлаб чиққан ишчи гуруҳ аъзолари ҳамда ушбу лойиҳадан фойдаланувчиларнинг прогнозлаштирилаётган жараёнларни бошқариш самарадорлигига таъсирини баҳолаш.

Давлат бюджетини бошқаришни самарали ташкил этишда, улар даромадини прогнозлаштириш вазифалари сифатида қуйидагиларни эътироф этиш лозим:

- давлат бюджети маблағларининг ҳажми ва ундан фойдаланиш йўналишларини аниқлаш;

- давлат бюджети ва асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ўртасида ўзаро алоқадорликни баҳолаш;

- иқтисодиётнинг ривожланиш суръатига таъсир этувчи омилларни аниқлаш;

- бюджет тизими бюджетларининг даромадлар ҳажми ва уларнинг реал манбаларини аниқлаш ва уларни самарали бошқариш;
- ҳудудлар ва соҳалар бўйича харажатларни самарали тақсимлаш;
- ижтимоий эҳтиёжлар минимал даражасини таъминлаш;
- бюджет тизими бюджетларини баланслаштириш;
- зарур ижтимоий резервларни шакллантириш;
- бюджет тизими бюджетлари ўртасида молиявий оқимларни мувофиқлаштириш;
- давлат бюджети маблағларидан фойдаланишнинг самарали йўллари шакллантириш.

Давлат бюджети даромадларини самарали бошқариш мақсадида уни солиқли тушумларини прогнозлаштиришда қатор усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу давлат бюджетини ягона усулда прогнозлаштириш мураккаб жараён деган хулосани олиб келади.

Умуман олганда, давлат бюджетини прогнозлаштиришнинг умумқабул қилинган тўртта усули: яъни эксперт баҳолаш, экстраполяция, тарихий таққослаш, иқтисодий моделлаштиришни кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Уларни қисқа тасниф беришни энг муҳим деб топдик. Шу боис эксперт баҳолаш усули деганда давлат бюджети прогнозлари соҳанинг амалий, назарий ва илмий тажрибага эга юқори малакали мутахассис ёки мутахассислар жамоаси томонидан ишлаб чиқилади.

Экстраполяция усулида ўтган ва амалдаги ривожланиш тенденциялари ва уларда аниқланган ички қонуниятлардан келиб чиқиб давлат бюджетининг истиқбол кўрсаткичларини прогноз қилинади.

Тарихий таққослаш усули деганда маълумотлар базаси мавжуд бўлмаган объект ва жараёнларни прогнозлаштиришда фойдаланилади, бунда ушбу жараёнга ўхшаш объект танланиб унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда прогноз амалга оширилади.

Иқтисодий моделлаштириш усулида жараёнларни математик моделлар ва статистик таҳлиллар асосида давлат бюджети прогноз қилинади.

Давлат бюджетини прогнозлаштириш борасидаги илғор хориж тажриба ўрганиш ҳам муҳимдир. Давлат бюджетини прогнозлаштиришда тараққий этган давлатларда юқорида қайд этилган усуллардан кенг фойдаланилади, лекин бозор иқтисодиёти шароитида аксарият ҳолларда статистик усуллар, моделлаштириш ва иқтисодий таҳлил усуллари билан бирга кузатув ва эксперимент, анализ ва синтез ҳамда эконометрик усуллар қўлланилиши ҳам эътибордан четда қолмайди.

Ҳозирги шароитида давлат бюджетини прогнозлаштиришнинг амалдаги индекс усулидан фойдаланишдаги юзага келаётган муаммолардан келиб чиқиб уни такомиллаштириш, яъни давлат бюджетини прогнозлаштириш услубиятини такомиллаштиришни объектив заруратга айлантирмоқда, сабаби амалда макроиқтисодий ривожланишнинг эришилган кўрсаткичлари кейинги йилга тузатиш киритиш билан прогноз қилиниши давлат эҳтиёжи учун зарур бўладиган молиявий ресурслар манбасини аниқ прооғноз қилиш имконини бермайди.

Шу нуқтаи назардан давлат бюджети даромадларини бошқаришни ислоҳ этиш доирасида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси 7-моддасида бюджет тизими бюджетлари даромадларини прогноз қилиш ва харажатларини режалаштириш бюджет тизими принциплари сифатида киритилди²⁸.

Шундан келиб чиққан ҳолда давлат бюджетини бошқариш, энг аввало прогнозлаштириш механизмга амал қилиш давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари асосий иштирокчи сифатида намоён бўлади. Давлат

²⁸ Ўзбекистон Республикасининг бюджет кодекси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-I-сон; 2014 й., 36-сон, 452-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда)

бюджетини прогнозлаштириш асослари мамлакат Конституцияси ва бошқа тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Бугунги кунда миллий иқтисодиётда амалга оширилаётган институционал ислохотлар давлат бюджетини бошқаришни ва прогнозлаштиришни методологияси қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Бунда давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг учта муҳим йўналишларига алоҳида эътибор қаратилиши лозим:

- барча турдаги даромад прогноз суммасини ҳисоб-китоб қилиш;
- бюджет тизими бюджетларининг тартибга солинадиган даромадларини қонунчиликда белгиланган тартиб ва нисбатларда тақсимлаш;
- юқори ва қуйи бюджетлар ўртасида молиявий ёрдам кўрсатиш (бюджет трансфертлари) ва бюджет билан таъминланганлик борасидаги ўзаро муносабатларни аниқлаштириш.

Ушбу ҳолатлар бюджет даромадларини барқарор ўсиш имкониятини яратишга хизмат қилиши мумкин бўлади.

**IV-Боб. Самарқанд вилоят ҳокимлиги молия бошқармасида ҳаёт
фаолияти хавфсизлигини ҳолати ва самарали ташкил этиш йўллари**
4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти

Ватанимиз миллий давлатчилиги ва иқтисодий мустақиллиги, қудратли интеллектуал салоҳиятининг юксак бўлишида сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва маърифий йўналишларда олиб борилаётган кенг қамровли тадбирлар мажмуасида, аҳоли ва ҳудудларни турли вазиятлардан муҳофаза қилиш, инсон хавфсизлиги ва саломатлигини сақлаш алоҳида ўрин тутди, шунинг учун ҳам бу соҳа миллий давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Биринчи Президенти И.А. Каримов мазкур масаланинг долзарблигига алоҳида эътибор бериб, республикаимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ «Сиёсатимизнинг асл моҳияти аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, уларни турли хил офатлар ва фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишдир» деб алоҳида таъкидлаб келмоқдалар.

Жамият ва табиат асоси, уни ўз фаолияти билан ривожлантирувчи ва бошқарувчиси инсон эканлигини эътиборга олиб, унинг ҳаёт фаолиятини яхшилаш, эъзозлаш – тараққиёт йўлидаги муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан фуқароларимизнинг ҳаёт шароитини яхшилаш, уларни турли таъсирлардан сақлаш, ҳар қандай ҳолатда ҳам эҳтиёт этиб, муҳофаза этиш асосий эзгу мақсад қилиб олинган.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги тушунчаси ўз ичига инсоннинг жамиятда ишлаб чиқаришда, яшашида, фаолият олиб боришида муҳитнинг хавфсиз бўлиши, табиий ва техноген хусусиятли вазиятлардан сақланиши, уруш ва терроризм хуружидан ҳимояланиши, табиат ва одамзот қуюнлигини сақлаши, умуман олганда, инсоннинг шу заминдаги ҳаётининг хавфсизлигини таъминлаш тушунилади.

Она саёрамизда илк қадамларни кўйган ва тафаккур имконияти даражасига кўтарилган узоқ аجدодларимиз яшаш жойларида ўзларига хавф солиб турган йирқичлардан ҳам хавфли офатлар бўлишини тезда тушиниб етишган. Чунки, ўша даврларда ҳам зилзилалар, вулқонлар, тўфонлар, сув тошқинлари ва бошқа табиий офатлар инсонларнинг ожиз ва сийрак кабилаларига сезиларли зарар етказиб турган.

XX аср поёнида хавфсиз ҳаётни таъминлаш масалалари энг долзарб муаммога айланиб қолди, чунки ишлаб чиқаришни юқори тараққий этган технологиялар билан таъминлаши, табиий ривожланишдаги айрим нохуш вазиятларнинг мураккаблашуви аҳоли саломатлиги, атроф-муҳит тозаллиги ва иқтисодни барқарор ривожланишига хавф солиб турибди. Шунинг учун энг муҳим вазифалар Ўзбекистон аҳолиси ҳаёт фаолиятини ва ҳудудини турли хил вазиятлардан муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни, айниқса фуқаро меҳнатини муҳофазасини таъминлаш ҳисобланади. Республикамиз Биринчи Президенти И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида «Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтаавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган»лигини эътироф этганлар. «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» асарида Президентимиз ватанимизнинг яхлитлиги, аҳоли хавфсизлиги таҳдиди тўғрисида батафсил тўхтаб ўтганлар.

Олдинги асрда икки қарама-қарши сиёсий қарашларнинг бир-бирига фаол қаршилиги вақтларида бутун аҳоли қатлами фақат замонавий қирғин қуроллари ва ҳужумкор воситалардан ҳимояланиш руҳида тарбияланган бўлса, ҳозирги вақтда фуқаро муҳофазаси янги ижтимоий-иқтисодий зарурият асосида шаклланимоқда, мамлакатимизни ва аҳолини турли фалокатлар ва алоқатлардан сақлаш уларнинг меҳнатини, яшашини муҳофаза этиш руҳида тарбиялашга йўналтирилмоқда.

Шунинг учун фуқароларни турли бўладиган таъсирлардан сақлаш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланса, худди шундай бизнинг ўлкамиз табиий офатлар (ер силкиниши, ер сурилиши, сел, сув тошқини ва ҳ.к.) бўлишига мойил ўлка бўлганлигидан ҳамда техноген авариялар ва экологик мувозанатни бузилиши натижасида унинг оқибатларидан, фуқаролар меҳнат муҳофазасини, халқ хўжалиги тармоқларини, моддий ресурсларни, техникаларни ва табиатни асраш, зарар кўрган ҳудудларда кутариш – тиклаш ишларини олиб бориш ҳам жуда муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Юқоридаги вазифаларни ҳал қилишда Ўзбекистон минтақаси учун хос бўлган табиий офатларни, ишлаб чиқариш аварияларини ва юзага келадиган экологик вазиятларни фуқаро ҳаёт фаолиятидаги меҳнат хавфсизлигини чуқур таҳлил этиш натижасидагина ҳар қандай вазиятлардаги моддий, маънавий йўқотишлар кўламини қисқартиришга эришиш мумкин.

4.2. Самарқанд вилоят ҳокимлиги молия бошқармаси ходимлари меҳнат ва ёнғин хавфсизлиги доирасидаги чора-тадбирлари

Саноатнинг барча тармоқларида ходимлар саломатлигини ҳимоя қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва техника хавфсизлигини таъминлашга доир омилларини излаб топиш, меҳнатни самарали ижодга айлантириш жамиятимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ходимларнинг саломатлигини сақлаш касб касалликлари ва захарланишларнинг олдини олишда, шунингдек уларни камайтиришда, ишга қабул қилишдан олдин ўтказиладиган тиббий кўрик ҳамда ишлаб чиқаришда зарарли, нохуш меҳнат шароитларида ишлаётган ходимларни даврий кўриктан ўтказиб туриш чора-тадбирлар ичида муҳим ўрин тутди.

Умумий ва касб касалликларини, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, ходимлар меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш мақсадида бу кўрикларнинг паст савияда ўтказилиши келгусида сурункали

касалликларнинг тез-тез учраб туришининг кўпайиб кетишига олиб келиши мумкин, бу эса ўз навбатида ишлаш унумдорлигининг пасайишига, иқтисодий куч-қувватларнинг сусайишига олиб боради, яъни салбий ижтимоий оқибатларга сабаб бўлади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон саноатида, қурилишда ва қишлоқ хўжалигида 3 млн. дан ортиқ одам ишлайди, улардан 1 млн. ноҳуш ва зарарли меҳнат шароитларида, шу жумладан 200 минг аёл ишламоқда. Кўп корхоналарда асосий касб гуруҳларида зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омиллари (шовкин, тебраниш, кимёвий бирикмалар ва ҳоказолар)га кўйиладиган рухсат этувчи гигиеник қоидаларнинг бузилишига йўл кўйилмоқда. Бу эса касбдан касалланишнинг асосий негизини кўп жиҳатдан ишга вақтинча қобилятсизликка алоқадор касалликларни келтириб чиқаради.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, баъзи бир саноат корхоналарида меҳнат шароитлари ва касбдан касалланишнинг ҳақиқий аҳволи санитария-эпидемиология хизмати томонидан кўриладиган чораларнинг етарлича самарали бўлмаслигидан ва ходимларнинг касбдан касалланишини муҳофаза қилиш борасида ўз касб бурчини принципиал ва пухта бажармаслигидан далолат беради.

Мана шу вазифаларни муваффақиятли олиб бормай туриб, зарарланган ҳудудларда, объектларда мўтадил ҳаёт фаолиятини яратиб бўлмайди. Бу ишларни давлат органлари орқали, фуқаро муҳофазаси бошчилигида бутун халқ ёрдамида амалга оширилади.

Раҳбарлар таркибини, тузилмалар ва аҳолини ўқитишда уларни амалий машғулотларга жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Амалий машғулотлар раҳбарлар таркибини, Фуқаро муҳофазаси(ФМ)²⁹ кучларини ва аҳолини ФМ вазифаларини бажаришга тайёрлашнинг юқори ва фаол шакли ҳисобланади. Амалий машғулотларда тузилмаларга кирган фуқароларнинг аниқ ва

²⁹ Фуқаро муҳофазаси кейингиларда - ФМ

тартибли ҳаракатлари, турли хил жихозлар, асбоб-ускуналар, техникалардан фойдаланиш услублари ўрганилади, алоқа ва тузилмаларни бошқариш масалалари ишлаб чиқилади.

ФМнинг амалий машғулотларини замон талабларига мос ҳолда ўтказиш, фуқароларни душман томонидан қўлланиладиган замонавий қурол воситаларидан, шунингдек, ҳудудимизда кузатиладиган табиий офатлар, ишлаб чиқариш авариялари ва фожиалар оқибатларидан муҳофаза қилиш, одамларда маънавий-ижтимоий психологик сифатларни тарбиялаш, объектларни узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш, қутқарув ва тиклов ишларини ошириш бўйича билимларини, қобилиятларини ошириш имконини беради.

Ёнғин халқ ҳўжалигига катта моддий зарар келтиради. Бир неча минут ёки соат ичида жуда катта миқдордаги халқ бойликлари ёниб кулга айланади. Ёнғин вақтида ажралиб чиқадиган тутун, карбонат ангидрид ва бошқа зарарли ҳид ҳамда газлар атмосферага кўтарилиб, ҳавонинг таркибини бузади. Бундан ташқари, кишиларнинг жароҳатланишига, ҳатто ўлимига сабаб бўлади. Буларнинг ҳаммаси, ёнғинга қарши кураш тадбирлари ва ишларнинг хавфсиз бажариш усулларини меҳнат муҳофазаси билан биргаликда ўрганишни тақозо қилади.

Ҳозирги вақтда республикаимиз ташкилот ва корхоналарида ёнғин хавфсизлигини камайтириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган. Хусусан, корхоналарда ёнғин чиқиш хавфи камайтирилган ва бутунлай хавфсиз ишлайдиган электр ускуналари ишлатилмоқда. Ўт ўчиришнинг механизатсиялашган ва автоматлашган тизимлари тобора кенгрок қўлланилмоқда.

Лекин, ёнғин чиқишининг олдини олиш ва ўт ўчиришда асосий масъулият кишилар зиммасига тушишини ҳамда уларнинг ёнғинни ўчириш техникасининг барча талабларини тўлиқ бажарқилишига боғлиқ эканлигини унутмаслик керак. Ташкилот ва корхоналарда бу тадбирлар тартибли

равишда, ёнғин техникаси ҳақидаги низом, ёнғин хавфсизлиги қоидалари, йўриқнома ва бошқа ҳужжатлар асосида олиб борқилиши шарт.

Республикамизнинг ҳар бир фуқароси жамоат ва давлат мулкани кўз қорачиғидай сақлаши, асраб авайлаши, уни бойитиш ҳақида қайғуриши керак. Шунинг учун корхоналарда ёнғиннинг олдини олиш ва ўт ўчириш тадбирлари кенг жамоатчиликка суянган ҳолда олиб борилади. Ёнғин муҳофазасини ташкил қилиш касбий ва ихтиёрий турларга бўлинади.

Касбий ёнғин муҳофазаси ўз навбатида ҳарбийлаштирилган (йирик шаар ва муҳим объектларга хизмат кўрсатади), ҳарбийлаштирилмаган (туман марказлари ва йирик саноат объектларига хизмат кўрсатади) ва тармоқ (айрим бирлашма ва корхоналарга хизмат кўрсатилади) турларига бўлинади.

Ёнғин хавфи кам бўлган ҳамда кичикроқ корхона ва муассасаларда ёнғин муҳофазаси ва объектни қўриқлаш хизмати биргаликда қўшиб олиб борилади. Корхоналарда ёнғин муҳофазасини ташкил қилиш ва ёнғин чиқишини огоғлантириш ўт ўчириш техникаси ҳамда қуролларини алоқа ва ўчириш воситаларини жанговар ҳолатда сақлаш, ёнғин чиққан тақдирда уларни ўчиришда фаол қатнашиш, хал мулкани асраб-авайлаб сақлаш борасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

Цех, лаборатория, бўлим, омборхона, устахоналардаги ёнғин хавфсизлиги учун жавобгарлик, уларнинг раҳбарлари ёки шу раҳбарлар вазифасини бажариб турган кишилар зиммасига юклатилади.

Республикамизда шаҳарлар, қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойлар ва халқ хўжалиги объектларининг ёнғин муҳофазасини мустакамлаш учун ёнғинга қарши кураш режа асосида олиб борилади ва шу тўғрисида доим ғамхўрлик қилиб келинади. Ана шу ёнғин муҳофазаси ишининг икки асосий йўналиши бор:

- биринчидан, ёнғиннинг олдини олишга қаратилган илмий-техник ва ташкилий тадбирларнинг режали мажмуи;
- иккинчидан, объектлар, шаҳар ва қишлоқлардаги аҳоли зинч

яшайдиган жойларда ёнғинни ўчиришни ташкил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғинга арши кураш бошқармасининг вазифаси давлат мулкани, фуқаролар шахсий мулкани ёнғиндан салашдан иборат, шу билан бирга ёнғин назорати ташкилотлари ташкилий, назорат ва маъмурий ишларни амалга оширади. Уларнинг вазифаларига қуйидагилар киради:

- Ҳамма идоралар, корхоналар ва алоҳида шахслар учун мажбурий бўлган ёнғин муҳофазасига доир қоидалар, меъёрлар, йўриқномалар ишлаб чиқиш ва уларни чоп этиш;

- саноат, фуқаро бинолари ва иншоотларини, аҳоли пунктларини лойиҳалаш, қуришда ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларининг бажарилишини текшириш;

- Ҳамма ташкилотлар, муассасалар, корхоналардаги ўт ўчириш бўлинмаларининг шайлигини ва ўт ўчириш воситаларининг созлигини каттиқ назорат қилиш ҳамда текшириш.

Ўзбекистон Республикаси ёнғин назорати ташкилотлари ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришлари учун уларга қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

- ёнғин хавфсизлиги жиҳатидан қай ҳолатдалигини аниқлаш мақсадида барча саноат бинолари ҳамда иншоотлари, омборхоналар ва уйларни текшириш;

- корхоналар маъмурияти ва алоҳида шахслардан объектларнинг ёнғин хавфсизлиги нуқтаи назаридан қай ҳолатдалигини аниқлаш учун зарур бўлган маълумот ҳамда ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш;

- ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилганлигини аниқлашда корхона раҳбарларига ана шу бузилишларни бартараф этиш юзасидан мажбурий фармойишлар бериш ва бунинг учун зарур муддатларни белгилаш;

- ёнғин ва портлаш хавфини юзага келтирувчи оида бузқилишларини аниқлашда ана шу бузилишлар бартараф этилгунга қадар корхонанинг

ишини бутунлай ёки қисман тўхтатиб қўйиш;

➤ ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши ёки бажарилмаслигида айбдор бўлган кишиларни маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка тортиш.

Ишчи-хизматчилар ўз иш ўрнидаги ёки ўзи ишлайдиган бўлинмадаги ёнғин хавфсизлиги талабларини яхши билишлари ва уларга қатъий амал қилишлари, ўт ўчириш воситаларидан фойдалана олишлари, меҳнат ҳамда технология интизомига қатъий риоя қилишлари, ёнғин ҳамда портлаш жихатидан хавфли модда ва ашёларни ишлатишни билишлари зарур.

Ишчилар, хизматчилар ва муҳандис-техник ходимларининг кўпчилиги жалб этилгандагина корхона, муассаса ҳамда ташкилотларда ёнғинга қарши муваффақиятли кураш олиб бориш мумкин. Бунинг учун ҳар бир объектда ёнғин-техник комиссияси тузилади. Комиссияга бош муҳандис, техник раҳбар ёки раҳбарнинг биринчи ўринбосари бошчилик қилади, уларнинг вазифаси қуйидагилардан иборат:

➤ ёнғинни олдини олиш қоидаларининг бузилишларини ва ёнғин чиқишига олиб келувчи камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш тадбирларини ишлаб чиқиш;

➤ объектив ёнғиннинг олдини олиш тартибини ишлаб чиқиш ва уларни ўтказишда қатнашиш;

➤ ишчи-хизматчилар ва муҳандис-техник ходимлар ўртасида ёнғиннинг олдини олиш тартиби ҳамда қоидалари бўйича оммавий тушунтириш ишини олиб бориш.

Бу вазифаларни бажариш учун ёнғин техник-комиссияси ишлаб чиқариш хоналари, электр жиҳозлари, шамолатиш, иситиш тизимлари ва шу кабиларни кўздан кечириб, қоида бузилишларини аниқлайди ҳамда уларни бартараф этиш муддатларини белгилайди; ишловчилар ўртасида ёнғиннинг олдини олиш мавзуларида суҳбатлар, лекциялар ўтказди; ратационализаторлар ҳамда ихтирочилар учун мавзулар ишлаб чиқишда

катнашади; цехлар, бўлимлар, омборхоналар, лабораториялар ва ҳоказоларнинг ёнғинга қарши ҳолатини текширишга кенг жамоатчиликни жалб этади.

Ҳар қандай объектда ёнғинни муваффақиятли ўчириш учун ёнғинга қарши курашиш тадбирларини олдиндан амалга ошириш катта аҳамиятга эга. Корхоналардаги ёнғинларнинг характерли хусусиятларидан бири шуки, ёнғиннинг бошланишида ҳарорат тез кўтарилади ва қуюқ тутун ажралиб чиқади. Масалан, аланганинг ўртача тарқалиш тезлиги тўқимачилик корхоналарда 0,35-0,65 м/мин. бўлса, чанг ва момиқ юзаларга тўпланиб қолган ҳолларда 1-2 м/мин. ни ташкил этади. Таҷрибаларнинг кўрсатишича корхона цехларида аланга майдонининг тарқалиш тезлиги 8-12 м²/мин. ни ташкил этади.

Бунинг оқибатида ёнғинни бошланғич давридаёқ ўчириш имкони бўлмайди. Шу билан бирга бу шароит кишиларни эвакуатсия қилиш ишини, ўт ўчириш бўлимларининг фаолиятини қийинлаштиради. Агар ўтни ўчириш бўйича самарали тадбирлар зудлик билан амалга оширилмаса, ёнғин тезда ривожланиб, катталашиб кетади.

Буларнинг ҳаммаси корхонани ёнғинга қарши ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўришга мажбур қилади. Бу тайёргарликнинг асосий шартларидан бири ёнғинни ўчириш бўйича тезкорлик билан режа ишлаб чиқишдир. Бунинг учун шароитни ҳисобга олган ҳолда, бўлиши мумкин бўлган энг мураккаб ёнғин кўзда тутилади ва унинг асосида воситалар ва кишилар сони ҳисоблаб чиқилади.

Тезкорлик билан тузилган режа чизма ҳамда матндан иборат бўлади. Чизма қисмида корхонанинг асосий ишлаб чиқариш биноси ва унга ёндошган ёрдамчи бинолар, йўллар ва сув манбаларининг биргаликдаги схемаси кўрсатилади. Режада ўт ўчириш учун ишлатилиши мумкин бўлган барча сув манбалари, улар билан бино орасидаги масофалар кўрсатилиши ва ўт ўчириш бўлимлари ўз насосларини қайси сув манбаига ўрнатишлари ҳам

кўрсатилиши керак. Зарур бўлса, кўп қавақтли биноларда ҳар бир қавақтнинг режаси ва унинг қирқими илова қилинади. Бу режа барча зарурий ахборотлар билан таъминланиши лозим.

Режанинг матн қисмида шу бинонинг ўзига хос хусусиятлари, ёнғин пайтида одамларни эвакуатсия қилиш, моддий бойликларни сақлаб қолиш, келаётган ўт ўчириш бўлимларининг еркин ҳаракат қилишлари ва қутқарув ишларини амалга ошириш тадбирлари кўрсатилади. Режада ўт ўчириш штабига корхона маъмурияти вакиллари жалб қилиш кўзда тутилади. Бунда ёнғин пайтида ўт ўчириш штабига жалб қилинган ҳар бир раҳбар нима қилиш аниқ ва тўлиқ ёзиб чиқилади.

Саноат корхонасининг ёнғин жиҳатидан хавфсизлиги корхона ҳудудида бинолар, автомобил йўллари, термийўлларнинг оқилона жойлаштирилишига, сув резервуарлари, ўт ўчирувчилар депосининг мавжудлиги ҳамда жойлашувига кўпроқ эътибор берилади.

Корхонанинг бош режасида ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларнинг жойлашуви шамол йўналишининг қўлдастасига асосан лойиҳаланади. Корхона ҳудуди энг яқин тураржой даҳасига нисбатан шамолга тескари томонда жойлаштирилади. Ёнғин жиҳатидан энг хавфли бино ва иншоотлар ҳам корхонанинг бош режасида шу нуқати назар асосида, бино ҳамда иншоотларнинг гуруҳланишини ҳисобга олиб, ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни ва ёнғин хавфи белгиларидан келиб чиққан ҳолда жойлаштирилиши лозим.

4.3. Самарқанд вилоят ҳокимлиги молия бошқармасида фавқулотда ҳолатлар доирасидаги чора-тадбирлари

Фавқулотда вазият (ФВ)³⁰ — маълум ҳудудда юз берган фалокат, ҳалокат ва бошқа турдаги офатлар натижасида кишиларнинг ўлимига, саломатлигига, теварак атрофдаги табиий муҳитга сезиларли моддий зарар этказувчи,

³⁰ Фавлуқотда вазият кейингиларда-ФВ

одамларнинг турмуш шароитини бузилишига олиб келадиган ҳолатдир.

Фавқулодда вазиятлар хавфнинг тарқалиш тезлигига кўра, қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

а) тасодифий ФВ — ер силкиниши, портлаш, транспорт воситалардаги авариялар ва бошқалар;

б) шиддатли ФВ — ёнғинлар, захарли газлар отилиб чиқувчи портлашлар ва бошқалар;

в) мўтадил (ўртача) ФВ — сув тошқинлари, вулқонларнинг отилиб чиқиши, радиоактив моддалар оқиб чиқувчи авариялар ва бошқалар;

г) равон ФВ — секин-аста тарқалувчи хавфлар: кургоқчилик, эпидемияларнинг тарқалиши, тупроқнинг ифлосланиши, сувни кимёвий моддалар билан ифлосланиши ва бошқалар.

Фавқулодда вазиятлар яна тарқалиш миқёсига (шикастланганлар сонига ҳамда моддий йўқотишлар миқдорига қараб) кўра 4 гуруҳга бўлинади:

1 Локал (объект миқёсидаги) ФВ;

2 Маҳаллий ФВ;

3 Республика (миллий) ФВ;

4 Трансчегаравий (глобал).

Локал Фавқулодда вазият — бирор объектга тааллуқли бўлиб, унинг миқёси ўша объект ҳудуди билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан ортиқ бўлмаган одам жабрланган ёки 100 дан ортиқ бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар Фавқулодда вазият павдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорни ташкил этган ҳисобланади. Бундай ФВ оқибатлари шу объект кучи ва ресурслари билан тугатилади.

Маҳаллий тавсифдаги Фавқулодда вазият — аҳоли яшайдиган ҳудуд (аҳоли пункти, шаҳар, туман, вилоят) билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан ортиқ, бироқ 500 дан кам бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар Фавқулодда вазият пайдо

бўлган кунда энг кам ойлик иш хақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқни, бироқ 0,5 миллион бараваридан кўп бўлмаган миқдорни ташкил этган ҳисобланади.

Республика (миллий) тавсифдаги Фавқулодда вазият дейилганда — Фавқулодда вазият натижасида 500 дан ортиқ одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар ФВ пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш хақи миқдорининг 0,5 миллион бараваридан ортиғини ташкил этадиган, ҳамда ФВ минтақаси вилоят чегарасидан ташқарига чиқадиган, республика миқёсида тарқалиши мумкин бўлган ФВ тушунилади.

Трансчегаравий (глобал) тавсифдаги Фавқулодда вазият дейилганда эса, оқибатлари мамлакат ташқарисига чиқадиган ёхуд ФВ чет элда юз берган ва Ўзбекистон ҳудудига дахлдор ҳолат тушунилади.

Бундай фалокат оқибатлари ҳар бир мамлакатнинг ички кучлари ва маблағи билан ҳамда ҳалқаро ҳамжамият ташкилотлари маблағлари ҳисобига тугатилади. Масалан, Орол муаммоси нафақат Ўзбекистон давлати учун, балки унга чегарадош бўлган Туркменистон, Қозоғистон ва бошқа давлатлар учун ҳам фалокат келтирувчи вазиятдир. Шунинг учун охирги вақтда Орол муаммосини ҳал қилишга Ўзбекистон давлатининг куч ва маблағидан ташқари бутун жаҳон ҳамжамияти ташкилотлари (Экосан, Юнесейф ва бошқ.) маблағлари, кучларидан фойдаланилмоқда.

Фавқулодда вазиятлар тавсифига кўра (сабаби ва келиб чиқиш манбаига кўра):

1 Табиий тусдаги ФВ;

2 Техноген тусдаги ФВ;

3 Экологик тусдаги ФВларга бўлинади. Табиий тусдаги Фавқулодда вазиятларга 3 хил турдаги хавфли ходисалар киради:

1) геологик хавфли ходисалар: зилзилалар, ер кучишлари, тоғ ўпирилишлари ва бошқа хавфли геологик ходисалар;

2) гидрометеорологик хавфли ходисалар: сув тошқинлари, селлар, қор

кўчкилари, кучли шамоллар (довуллар), жала ва бошқа хавфли гидрометеорологик ходисалар;

3) Фавқулодда эпидемиологик, эпизоотик ва эпифитотик вазиятлар: алоҳида хавфли инфекциялар (ўлат, вабо, сибир яраси ва ҳоказо), юқумли касалликлар, риккецинлар эпидемик тошмали терлама, Брил касаллиги, зооноз инфекциялар – Сибир яраси, кутуриш, вирусли инфекциялар – СПИД;

Эпидемия – одамларнинг гуруҳ бўлиб юқумли касалланиши, уларнинг захарланиши (захарли модда билан ҳамда озиқ-овқатдан оммавий захарланиш); эпизоотия – ҳайвонларнинг оммавий касалланиши ёки нобуд бўлиши; Эпифитотия эса ўсимликларнинг оммавий нобуд бўлишидир.

Техноген тусдаги Фавқулодда вазиятларга 7 хил турдаги вазиятлар киради:

1) Транспортлардаги авариялар ва ҳалокатлар — экипаж аъзолари ва йўловчиларнинг ўлимига, ҳаво кемаларининг тўлиқ парчаланишига ёки қаттиқ шикастланишига ҳамда қидирув ва аварияқидирув ишларини талаб қиладиган авиа ҳалокатлар;

Ёнғинга, портлашга, ҳаракатланувчи таркибининг бузилишига сабаб бўлган ва темир йўл ходимларининг ҳалокат ҳудудидаги темир йўл платформаларида, вокзал биноларида ва шаҳар иморатларида бўлган одамлар ўлимига, шунингдек, ташланган кучли таъсир кўрсатувчи захарли модда (КТЗМ)лар билан ҳалокат жойига туташ ҳудуднинг захарланишига олиб келган темир йўл транспортдаги ҳалокат ва фалокатлар;

Портлашларга, ёнғинларга, транспорт воситаларининг парчаланишига, ташилаётган КТЗМларнинг зарарли хоссалари намоён бўлишига ва одамлар ўлими (жароҳатланиши, захарланиши)га сабаб бўладиган автомобил транспортининг ҳалокати ва авариялари, шу жумладан, йўлтранспорт ходисалари;

Одамларнинг ўлимига, шикастланишига ва захарланишига, метрополитен поёздлари парчаланишига олиб келадиган метрополитен

бекатларидаги ва тунелларидаги ҳалокатлар, авариялар, ёнғинлар;

Газ, нефт маҳсулотларининг отилиб чиқишига, очик нефт ва газ фаввораларининг ёниб кетишига сабаб бўладиган магистрал қувурлардаги авариялар.

2) Кимёвий хавфли объектлардаги авариялар:

Теваракатроф табиий муҳитга таъсир қилувчи захарли моддаларнинг (авария ҳолатида) одамлар, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг кўплаб шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган тақдирда, йўл қўйиладиган чегаравий концентрациялардан анча ортиқ миқдорда санитария — химоя ҳудудидан четга чиқишига сабаб бўладиган кимёвий хавфли объектлардаги авариялар, ёнғин ва портлашлар.

3) Ёнғин, портлаш хавфи мавжуд бўлган объектлардаги авариялар: Технологик жараёнда портлайдиган, осон ёниб кетадиган ҳамда бошқа ёнғин учун хавфли моддалар ва материаллар ишлатиладиган ёки сақланадиган объектлардаги одамларнинг механик ва термик шикастланишларига, захарланишларига ва ўлимига, асосий ишлаб чиқариш захираларининг нобуд бўлишига, Фавқулодда вазиятлар ҳудудларида ишлаб чиқариш маромининг ва одамлар ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ёнғинлар ва портлашлар;

Одамларнинг шикастланишига, захарланишига ва ўлимига олиб келадиган ҳамда қидирув-қутқариш ишларини ўтказишни, нафас олиш органларини муҳофаза қилишнинг махсус анжомларини ва воситаларини қўллашни талаб қилувчи кўмир шахталаридаги ҳамда конруда саноатидаги газ ва чанг портлаши билан боғлиқ авариялар, ёнғинлар ва жинсларнинг қўпорилиши.

4) Энергетика ва коммунал тизимлардаги авариялар: Саноат ва қишлоқ-хўжалиги маҳсулотлари истеъмолчиларининг авария туфайли энергия таъминотисиз қолишига ҳамда аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ГЭС, ГРЭС, ИЭСлардаги, туман иссиқлик марказларидаги электр

тармоқлардаги буғқозон қурилмаларидаги, компрессор, газ тақсимлаш шахобчаларидаги ва бошқа энергия таъминоти объектларидаги авариялар, ёнғинлар, аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига ва саломатлигига хавф туғилишига олиб келадиган газ қувурларидаги, сув чиқариш иншоотларидаги, сув қувурларидаги, канализация ва бошқа коммунал объектларидаги авариялар;

Атмосфера, тупроқ, ер ости ва ер усти сувларининг одамлар саломатлигига хавф туғдирувчи даражада концентрациядаги зарарли моддалар билан ифлосланишига сабаб бўладиган газ тозалаш қурилмаларидаги, биологик ва бошқа тозалаш иншоотларидаги авариялар.

5) Бино ва иншоотларнинг бирдан қулаб тушиши билан боғлиқ авариялар:

Одамлар ўлими билан боғлиқ бўлган ва зудлик билан аварияқутқарув ўтказилишини ҳамда зарар кўрганларга шоншшнч тиббий ёрдам кўрсатилишини талаб қиладиган мактаблар, касалхоналар, кинотеатрлар ва бошқа ижтимоий йўналишдаги объектлар, шунингдек, уй-жой сектори бинолари конструкцияларининг тўсатдан бузилиши, ёнғинлар, газ портлаши ва бошқа ходисалар.

6) Радиоактив ва бошқа хавфли ҳамда экологик жihatдан зарарли моддалардан фойдаланши ёки уларни сақлаш билан боғлиқ авариялар:

Санитария-ҳимоя ҳудуди ташқарига чиқариб ташланиши натижасида пайдо бўладиган юқори даражадаги радиоактивлик одамларнинг йўл қўйиладиган кўп миқдорда нурланишини келтириб чиқарадиган технологик жараёнда радиоактив моддалардан фойдаланадиган объектларидаги авариялар; радиоактив материалларни ташиш вақтидаги авариялар; радиоизотоп буюмларнинг йўқотилиши; биологик воситаларни ва улардан олинадиган препаратларни тайёрлаш, сақлаш ва ташишни амалга оширувчи илмий-тадқиқот ва бошқа муассасаларда биологик воситаларнинг атроф-муҳитга чиқиб кетиши ёки йўқотилиши билан боғлиқ вазиятлар.

7) Гидротехник иншоотлардаги ҳалокатлар ва авариялар: Сув омборларида, дарё ва каналлардаги бузилишлар, баланд тоғлардаги йўллардан сув уриб кетиши натижасида вужудга келадиган ҳамда сув босган ҳудудларда одамлар ўлимига, саноат ва қишлоқ хўжалиги объектлари ишининг, аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ва шошилиш кўчириш тадбирларини талаб қиладиган ҳалокатли сув босишлари.

4.4. Самарқанд вилоят ҳокимлиги молия бошқармасида фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммалаштириш йўллари

Касал бўлиб қолганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда ва бошқа ҳолларда фуқаролар профилактик, ташхис қўйиш-даволаш, куч-қувватни тиклаш, санаторий-курорт, протез-ортопедия ёрдами ва бошқа хил ёрдамни, шунингдек беморларни, меҳнатга лаёқатсиз ва ногирон кишиларни боқиш-парваришlash юзасидан ижтимоий чора-тадбирларни, шу жумладан, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўлашни ўз ичига оладиган тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Тиббий-ижтимоий ёрдам тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассислар томонидан кўрсатилади.

Фуқаролар ўзларини ихтиёрий равишда тиббий суғурта қилдириш асосида, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари, ўз шахсий маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қўшимча тиббий ва бошқа хил хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг айрим тоифалари протезлар, ортопедик ва мослама буюмлар, эшитиш аппаратлари, ҳаракатланиш воситалари ва бошқа махсус воситалар билан имтиёзли тарзда таъминланиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуққа эга бўлган фуқароларнинг тоифаларини, шунингдек уларни таъминлаш шартлари ва тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

белгилайди.

Фуқаролар ихтисослашган соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларида тиббий экспертизадан ўтиш ҳуқуқига эга.

Биринчи медицина ёрдамининг аҳамияти ва шундай ёрдам беришнинг қоидалари

Биринчи медицина ёрдамининг вазифаси энг оддий чораларни кўриш билан шикастланган одам ҳаётини қутқариб қолиш, унинг азоб-уқубатларини камайтириш, рўй бериши эҳтимол асоратларнинг олдини олиш, шикаст ёки касалликнинг ўтишини енгиллаштиришдан иборатдир.

Биринчи медицина ёрдами шикастланиш ҳодисаси рўй берган жойда шикастланган одамнинг ўзи (ўз-ўзига ёрдам бериш), ўртоғи (ўзаро ёрдам), санитар дружиначилар томонидан берилиши мумкин. Биринчи медицина ёрдамига кирадиган чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат: қон оқишини вақтинча тўхтатиб қўйиш, баданнинг жароҳатланган ва куйган жойига стерил боғлам қўйиб боғлаш, сунъий нафас олдириш ва юракни билвосита массаж қилиш, антидотлар билан укол қилиш, антибиотиклар бериш, оғриқ қолдирадиган дорилар юбориш,(шок маҳалида), ёниб турган кийимни учуриш, транспортда олиб бориш учун шикастланган жойни қимирламайдиган қилиб боғлаб қўйиш (транспорт иммобилизацияси), одамнинг баданини иситиш, иссиқ ва совуқдан пана қилиш, противогоз кийгизиш, шикастланган кишини заҳарланган жойдан олиб чиқиш, қисман санитар обработкасидан ўтказиш.

Биринчи медицина ёрдамини мумкин қадар эрта муддатларда кўрсатиш касаллик ва шикастнинг кейини қандай ўтиши ҳамда оқибати нима билан тугаши учун, баъзида эса ҳаётни қутқариб қолиш учун ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Кўп қон кетиб турганда, одам злектр токидан шикастланган, сувга чўккан пайтида, юрак фаолияти тўхтаб, нафаси чиқмай қолган пайтда ва бир қанча бошқа ҳолларда биринчи медицина ёрдами

дарҳол кўрсатилиши керак. Башарти талайгина одамлар бир йўла биринчи медицина ёрдами кўрсатилишига муҳтож бўлса, у ҳолда бундай ёрдам кўрсатишнинг муддатлари билан навбати белгиланади. Болаларга ва шу дамнинг ўзида ёрдам олмаса ўлиб қолиши мумкин бўлган пшкастланганларга биринчи навбатда ёрдам кўрсатилади.

Хулоса

Давлат бюджети даромадларини яна иккита мезонга кўра таснифланишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1) давлат бюджети даромадларининг барқарорлик даражасига кўра таснифлаш;

2) давлат бюджети даромадларини қиймат жиҳатидан таснифлаш.

Бизнинг фикримизча, давлат бюджети даромадлари барқарорлигига кўра барқарор ва нобарқарор, қиймат жиҳатидан юқори харажатли ва кам харажатли даромадларга бўлиниши лозим.

Шуниси хусусиятлики, ҳар бир давлатда унинг ривожланиш даражаси, ҳўжалик субъектларининг ҳукуматга бўлган ишончи, ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари давлат бюджети даромадларига бевосита ва кучли таъсир кўрсатади. Шунинг учун давлат бюджети даромадларини барқарорлиги ва қиймат жиҳатдан таснифлашда ана шу хусусиятлар ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, қиймат жиҳатдан энг кам харажатли даромад – бу солиқлар ҳисобланади, чунки улар давлат фойдасига қайтариб берилмаслик шарти билан ундириладиган мажбурий тўловлардир.

Юқорида қайд этиб ўттанамиздек, ривожланган давлатлар каби Ўзбекистонда ҳам умумдавлат солиқларида ажратмалар меъёрини белгилашнинг маълум бир услубидан фойдаланилмайди:

Бизнингча, давлат бюджети даромадлари барқарорлигини таъминлашда бевосита солиқлар тушумидан фойдаланишда қуйидага чора-тадбирларни амалга ошириш, яъни:

- умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрларини белгилашнинг аниқ услубини ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланиш;

- айрим бевосита солиқларни (масалан, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи) тўлалигача маҳаллий бюджетларга бириктириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Айни пайтда тартибга солувчи солиқларни, шунингдек, маҳаллий солиқлар ва йиғимларни ўз вақтида маҳаллий бюджетга келиб тушиши ва ундирилиши механизмида қатор камчиликлар мавжуд бўлиб, ушбу камчиликлар бартараф этилиши ва натижада маҳаллий бюджет маромадларининг прогноз кўрсаткичларини мунтазам бажарилиши республикамиз ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ тадбирларнинг ўз вақтида молиялаштиришга хизмат қилади.

Республикамизда умумдават солиқларининг маҳаллий бюджетларга ажратилган меъёрлари турлича бўлиб, бир ҳудуд билан бошқа ҳудудда белгиланган меъёрлар кескин фарқ қилидиган ҳолатлар мавжуд. Айрим ҳудудларда ушбу меъёр 5% белгиланган бўлса, бошқа ҳудудда 100% ўрнатилган. Тўғри ушбу ҳолатни мазкур ўртасидаги иқтисодий ривожланишдаги тафовут юқорилиги билан тушинтириш мумкин, лекин масаланинг иккинчи томони ривожланмаган ҳудудларда умумдават солиқларининг маҳаллий бюджетларга ажратиладиган меъёрларининг юқори даражасини бир неча йиллар давомида сақланиб қолиши бу ҳудудларни боқимандалик кайфиятига олиб келиши мумкинлигини унутмаслик керак. Умумий хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, тартибга солувчи солиқларни тақсимлашнинг ривожланган давлатларда кенг қўлланиладиган усулининг, яъни умумдават солиқлари бўйича республика бюдежи орқали қайта тақсимланмасдан тўғридан-тўғри маҳаллий бюджетга йўналтирилган қатъий меъёрларини қонунчилик асосида мустаҳкамлаш зарур. Бу билан ҳар бир умумдават солиғи бўйича ўз бюджетларидан тўғридан-тўғри тушадиган қисмини олдиндан билган ҳолда маҳаллий ҳокимият идораларида ушбу солиқлар солинадиган базани кенгайтиришга ва ўз вақтида ундиришга рағбат уйғотиш имконияти яратилган бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2016. – 62 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2007 йил 25 декабрдаги 136-сон қонуни билан тасдиқланган) (кейинчалик киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда).
3. Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси (Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2013 йил 26 декабр ЎРҚ-360-сон қарори билан тасдиқланган).
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. – Т., 2017 йил 7 февраль
5. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 29 б.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. - 686 б.
7. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь, № 13 (5687)
8. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. //Халқ сўзи, 2016 йил 15 январ. №12.
9. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш

ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Тошкент, 2005.
- 88 бет.

10. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. //Халқ сўзи, 2016 йил 15 январ. №12.
11. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. //Халқ сўзи, 2017 йил 15 январь, № 13 (5687).
12. Абдурахмонов О., Кушакаев Б. Солиқ ислохотлари: изчиллик ва тадрижийлик. -Т.: Akademiya, 2005. – 180 б.
13. Абулқосимов Х.Р., Хамраев О.Я. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2014. – 304-б.
14. Алимардонов М.И. ва бошқ. Юридик шахсларни солиққа тортиш. – Т.: Чўлпон, 2013. – 296 б.
15. Алимардонов М.И. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга солиқ тизимининг таъсири. – Т.: 2003. – 233 б.
16. Барулин С.В. Финансы. – М.: КНОРУС, 2011. – 640 с.
17. Бочаров В.В. Корпоративные финансы. – СПб.: Питер, 2012.
18. Вахабов А., Разыкова Г. Модернизация экономики. Учебное пособие. – Т.: Iqtisod-moliya, 2014. – с. 200.
19. Вахабов А.В. ва бошқ. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2014. – 372 б.
20. Вахабов А.В., Санакулова Б.Р. Кичик бизнес ва тадбиркорликни солиққа тортиш. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 388-б.
21. Вахабов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Т.: Шарқ. 2009. – 448 б.
22. Вьлкова Е.С., Романовский М.В. Налоговое планирование. — С-Пб.:

Питер, 2004.

23. Гадоев Э., Кузиева Н. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
24. Жалолов И.Э. Совершенствование косвенного налогообложения. Автореферат дисс. на соискание учёной степени к.э.н. – Тошкент: БФА, 2001. – 21 б.
25. Зайналов Д., Саттаров Т. Проблемы обеспечения финансовой стабильности предприятий. Монография. – Т.: Шарк, 2011.
26. Зайналов Ж.Р. Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланма. – Самарқанд: СамКИ, 2002. – 286 б.
27. Зайналов Ж.Р., Қосимова Ф. Солиқлар ва солиққа тортиш. Маъруза курси. – Самарқанд: СамИСИ, 2015. – 320 с.
28. Исламкулов А.Х., Ражаббаев Ш.Р., Пардаев У.У. Давлат бюджети даромадларини прогнозлаштириш. Монография. – Т.: Спектрум Медиа Групп, 2015. – 160 б.
29. Камилов М.М. Қўшилган қиймат солиғини ундириш механизми ва уни такомиллаштириш йўллари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун дисс.автореферати. – Тошкент: БМА, 2007. – 22 б.
30. Қодиров Б.Қ. Бевосита ва билвосита солиқлар ўртасидаги нисбат муносабатлари ва солиқ тизимини такомиллаштириш масалалари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун дисс.автореферати. – Тошкент: БМА, 2004. – 22 б.
31. Қудратов С. Тижорат банкларида корпоратив бошқарув. Ўқув қўлланма. – Т.: Академнашр, 2016. – 160 б.
32. Лапыгин Ю.Н. Инвестиционная политика: учебное пособие / А.А. Балакирев, Е.В. Бобкова и др.; под ред. Ю.Н. Лапыгина. – М.: КНОРУС, 2011. – 320 с.
33. Лукасевич И. Я. Финансовый менеджмент. Учебник. – М.: ЭКСМО, 2010. – 768 с.

34. Маликов Т. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Т.: Академия. 2002. – 220 б.
35. Маликов Т.С. Солиқ юкининг оғирлигини кескин камайтириш керакми? – Т.: 2006. – 32 б.
36. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Х. Давлат бюджети. Ўқув қўлланма. - Т: Иқтисод ва молия, 2007, - 21 б.
37. Мирзаев Ф., Давронов Ш. Тижорат банклари фаолияти: инновацияси, инжиниринги ва рискларни бошқариш амалиёти. Монография. – Т.: Молия, 2014. – 160 б.
38. Нурмухамедова Б., Кабиров Н. Финансы. Учебное пособие. – Т.: Iqtisod-moliya, 2010.
39. Поляк Г.Б. Финансы. Учебник. – М.: ЮНИТИ – ДАНА, 2009. – 703 с.
40. Рахимов М.Ю. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 392-б.
41. Романовский М.В. Финансы и кредит: Учебник / М. В. Романовский, Н. Н. Назаров, М. И. Попова и др.; Под ред. М. В. Романовского, Г. Н. Белоглазовой. – М.: Юрайтиздат, 2006. – 360 с.
42. Саидов Д., Қуллиев И. Пул муомаласи ва кредит. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2014. – 268-б.
43. Суэтин А.А. Международные валютно-финансовые отношения: учебник / А.А. Суэтин. - 4-е изд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2010. – 440 с.
44. Тошматов Ш.А. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш асослари. – Т.: Молия, 2012. – 97 б.
45. Тошматов Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли. Монография. – Тошкент: Фан ва технология.- 2008.- 127-132 б.
46. Тошматов Ш.А., Ражаббаев Ш.Р. ва бошқалар. Молиялаштиришнинг инновацион усуллари. Монография. – Т.: Молия, 2015. – 160 б.
47. Тошмуродова Б.Э., Элмирзаев С.Э., Ахмедов Х.Р. Корпоратив молия стратегияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 128 б.

48. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. – Тошкент: Шарқ, 2006. – 152 б.
49. Ибрагимов Н.А., Хабибуллаев А. Аҳоли фаровонлиги ва иқтисодий ўсишни таъминлашда бюджет маблағлари ҳисобидан хизмат кўрсатиш кўламини ошириш истикболлари. / Хизмат кўрсатиш соҳаси: ривожлантириш тенденцияси ва истикболлари 2016 йил 19-20 феврал. Республика анъанавий илмий-амалий конференцияси материаллари. VI қисм. Самарқанд, СамИСИ, 2016. – 143 б.
50. Ходиев Б.Ю., Карлибаева Р.Х., Расулов Н.М. Корпоратив бошқарув: Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2011. -301 б.
51. Ҳасанов Р.Р., Ҳайдаров Н.Х., Маликов Т.С. Молиявий бошқарув. – Т.: Ғафур Ғулом, 2009. – 840 б.
52. Ҳусанов Ғ. ва бошқалар. Молиявий менежмент. – Т.: 2008
53. Черник Д. Налоги и налогообложение. Учебное пособие. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2010. –367 с.
54. Шодибекова Д.А. Кичик бизнесни бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: 2010. 280 б.
55. Юлдашев С. ва б. Молиявий менежмент. – Т.: Ворис, 2013
56. Яхёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. – Т.: Ғ.Ғулом, 2000. – 240 б.
57. Журнал ва газеталар:
- Бозор, пул ва кредит 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-4 сонлари;
 - Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-4 сонлари;
 - Солиққа тортиш ва бухгалтерия ҳисоби 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-4 сонлари;
 - Молия 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-2 сонлари;
 - Иқтисодиёт ва таълим 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-2 сонлари;
 - Солиқ ва божхона хабарлари 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-4 сонлари.

58. Интернет сайтлари:

[http: //www.finansy.ru](http://www.finansy.ru)

[http: //www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz)

[http: //www.mf.uz](http://www.mf.uz)

[http: //www.stat.uz](http://www.stat.uz)

[http: //www.lex.uz](http://www.lex.uz)